

БОКИЙ ФИКРЛАР

Энг асосий
мезон – ҳаёт
ҳақиқатини
акс эттириш.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 26-iyun, shanba № 50 (8283) ISSN 2010-6416

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, хурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштариийларни буғунги кутлуг айём — Матбуот ва оммавиий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист ахлининг ма-шаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда элюрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср мукаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боуболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чукур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол — 1914 йили “Садои Фаргона” газетасининг ilk сонида чоп этилган “Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўқиси учун лозим бўлган саъ-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир” деган сўзлар ҳам яқол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамоилилар ва замонавиий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавиий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдига янада муҳим ва долзарб вазифаларни кўймоқда.

(Давоми 2-бетда.)

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni



МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasida мамлакатимида оммавиий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини кўллаб-куватлаш, мустақиллиги ва эркинлигини амалда

таъминлаш баробарида масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътибор ва фамхўрлик соҳа ходимларидан жамият олдидаги маънавий-ижтимоий бурчини янада тे-ранроқ хис этишни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни, фаол ва

қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишни, воқеиликка чукур таҳлилий ёндашувни талаб этади.

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавиий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир карра ўз исботини топмокда.


(Давоми 2-бетда.)

БУ ЙИЛГИ КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2010—2011 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди. Олий ўкув юртларига қабул жараёнида битирувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда устозларини бу борадаги бир қатор масалалар кизиктириши, табии. Мухбиримиз ўкувчиларни тегишли маълумотлар, янгиликлар ҳақида хабардор килиш мақсадида Вазирлар Махкамаси хузуридаги давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори Баҳром ИСМОИЛОВга қатор саволлар билан мурожаат килди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2010—2011 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарори кўп сонли ота-оналар, ўқитувчилар ва талаба бўлиш орзусида юрган ёшлар томонидан қизғин қабул қилинди. Суҳбатимиз аввалида бу йилги қабул жараёни учун асос бўлиб хизмат қиласидаган ушбу қарорнинг ўзига хосликлари, янгиликлари хусусида тўхталиб ўтсангиз.

(Давоми 3-бетда.)



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

СИРДАРЁНИНГ ЭНГ ФАОЛ ФАН ҮКИТУВЧИСИ

вилоят ҳокимлиги
томонидан олти ой
давомида рагбатлантириб
борилади

5-бет

БИРИНЧИ МУКОФОТ КАДРИ

7-бет

ДАВЛАТ МАХСУС МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

8—9-бетлар

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу ўринда гап журналистинг нафақат истеъоди ва маҳорати ҳакида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга багишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, кисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқболи учун, ҳаётимизда инсон ҳуқук ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор тошиши учун куйиб-ёниб яшаши ҳакида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб хис қиласиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақилларини мустаҳкамлаш, унинг ҳалқаро майдонда муносиб обрӯ-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асрараш-авайлаш, дўстни душ-

мандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огох бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшшини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришиши, ўз устида доимий ишлашини тақозо этади, албатта.

Қаттиқ иродада ва тинимиз мөхнатни талаб қиласиган бундай вазифалар ҳакида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг мөхнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат бар-

по этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз боргандан, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса но давлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат мухитининг, энг мухими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар рангбаранглигининг кучайиши, аҳолимизнинг дунёқараш ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-куватлаш, уларга янги амалий турткни бериш мақсадида матбуот байрамига бағишилаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокими-

ят ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айни мудда бўлур эди.

Шу борада чукур бир ҳақиқатни англаб олиши мизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда "тўртинчи ҳокимиёт" дара жасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илфор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, кўл-оёғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолиллардан озод бўлиб, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдигини топиши учун чарчамасдан доимо курашиш — бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканмиз, қайси соҳа бўлмасин — бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими — журналистикамиз ривожига катта ҳисса кўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу кутлуғ сана билан яна бир бор табриклаб, сизларнинг шарафли меҳнатингизни ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Хурматли ва азиз дўстлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Мөхнат ва ижод завқи сизларни ҳеч қачон тарқ этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Rasmiy bo'lim

МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳалқимизнинг сиёсий, ижтимоий фаолигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда кечеётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига холис, ҳаққоний ва тезкор етказишида, баркамол авлодни тарбиялашда, ёшларни миллатимиз учун ёт фоялар таъсиридан асрар-авайлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотни изчил равнақ топтириш, унинг жаҳон ахборот маконида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган турли анжуманлар ва ижодий учрашувларда бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа ходимларининг касб байрамига бағишилаб 25 июнь куни ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа фахрийлари, оммавий ахборот воситалари, нашриёт матбаа-ижод уйларида фаолият кўрсатиётган ижодкорлар, олий ўкув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттириди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий ўшмаси раиси Ш. Фуломов оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник ба-

засини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, техник маҳорати ва малакасини юксалтириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг юртимизда кечеётган ислоҳотлар ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фаол, ишончли тарзда ёритиши учун кўшимча шароит ва имкониятлар яратиш, журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлаш, рағбатлантириш юзасидан кенг қарорли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий 2010 йилда жамият ҳаётининг барча жабхаларида бўлгани каби миллий матбуот соҳасига дадил кириб келаётган истеъодод соҳибларини кашф этиш, ўз сўзи ва овозига эга бўлган иқтидорли ёш журналистларни қўллаб-куватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда ўзбекистон Журналистлари ижодий ўшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови голиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди. Болалар спортини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишига оид чора-тадбирларни фаол ва кенг ёритган журналистлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий журналистикани ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш қарататётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбари**

2009 — 2010 ўкув йили ниҳоясига этиб, мактабларда таътил даври давом этмоқда. Ўқитувчилар ва ўкувчилар маълум муддатлик танафус даврида дам олиб, саломатликларини тикиш жараёни кечайтган айни дамларда янги ўкув йилини катта тайёргарлик билан бошлашдек хайрли ишлар ҳам дикъат-эътибордаги масалага айланган. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг 153-бўйруғи (19 июнь) ижро учун қабул қилинди. «Ҳалқ таълими муассасаларини 2010 — 2011 ўкув йилига ва куз-қиши мавсумида ишлашга тайёрлаш ҳакида»ги ушбу бўйруқ ўз мазмун-моҳиятига кўра, барча таълим муассасаларини бу мухим жараёнга қатъият билан киришишга ундаиди.

Бўйруқда қайд қилинади, ўтган ўкув йили республика бўйича 120та умумтаълим мактаби, 263та мактабгача таълим муассасаси, 8та меҳрибонлик уйи ва маҳсус мактаб-интернатлари капитал таъмирланган. Шунингдек, 743та умумтаълим мактаби, 1090та мактабгача таълим муассасаси, 47та меҳрибонлик уйи ва маҳсус мактаб-интернатлари белгиланган муддат ичидан жорий таъмирдан чи-

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАРАДДУД

қарилиб, таълим жараёнига таҳт қилинган. Иситиш қозонхоналари, ички иситиш ва узатиш тизимлари ҳамда бинолар томларининг таъмирланиши, синган ойналарнинг бутланиши ҳам ҳар бир таълим муассасасида ўқитиш жараённи намунали ташкил этилишида мухим аҳамият касб этиди.

Янги 2010—2011 ўкув йилига тайёргарлик жараённи ҳам худудий ҳалқ таълими бошқармалари зиммасига катта масъулият юйлади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 16 июндинги «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2010—2011 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайминлаш чора-тадбирлари тайғрисида»ги ПК-1353 сонли қарор ижросини таъминлаш ўйладиги мухим қадамдир.

Қорақалпогистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруғидаги ташкилотлар раҳбарларининг дикъат-эътибори бу борадаги вазифаларнинг аниқ, ўз муддатида бажарилишига қаратилиши лозим. Капитал таъмирлаш ва жорий созлаш ишлари олиб бориладиган таълим даргоҳлари бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, кўмир ва суюқ ёқилиги билан иситиладиган таълим муассасаларида таъминот билан бир қаторда унинг сарфлини устидан ҳам назорат ўрнатилиши доимий эътибордадир.

Таълим муассасаларини янги ўкув йилига ҳамда куз-қиши мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажариладиган ишҳажми белгиланиши, уларни молиялаштириш манбалари аниқлашиб, жадвал асосида ҳокимлик томонидан вазирликка тақдим этилиши зарур. Худудий бошқармалардан вазирлик марказий штаби билан тезкор алоқани йўлга қўйиш талаб килинади. Бунинг учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

БУ ЙИЛГИ КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 майдаги “2010—2011 ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарори ҳалқимиз, кенг жамоатчилик, ота-она, устоз-мураббий, айниқса, ўқувчи-ёшларимиз учун энг муҳим дастурламал ҳужжат сифатида қабул қилинди.

Жумладан, ушбу қарор билан 2010—2011 ўкув йилида бакалавр таълим йўналишига жами 56607 нафар қабул белгиланган, шундан 19755 нафари давлат гранти, 36852 нафари эса тўлов-контракт асосида олий таълим муассасасига ўқишига қабул қилинади. Шунингдек, мазкур қарор билан олий таълим муассасаларига 5856 нафар магистр қабули белгиланган бўлса, уларнинг 1561 нафари давлат гранти, 4295 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинади. Бундан ташқари, Тошкент кимё-технология институти (Кўнғирот бўлими)нинг маҳсус сиртқи бўлими давлат гранти бўйича 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг маҳсус сиртқи бўлими давлат гранти 15 киши қабули белгиланган.

Айнан, мазкур ўкув йилида олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорнинг ўзига хослиги ва янгиликларига алоҳида эътибор қаратадиган бўлсак, аввало, илмий педагогик ва юқори малакали мутахassis кадрлар тайёрлаш учун олий таълим муассасаларининг магистратура мутахassisliklariiga ўтган йилларга нисбатан кўпроқ ўрин берилган. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилардан умумий қабул квотаси 20 фоизини қабул қилиш белгиланланлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга Тошкент шахрида очилган Турин политехника университетининг янги бинолари комплексида 2010—2011 ўкув йилида бакалаврлар тайёрлаш учун бир қатор истиқболли йўналишлар бўйича 200 киши қабули ҳам белгиланган.

Қарорнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, Мехнат ва аҳолини ижтиёмий муҳофаза қилиш вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда эгаллаб турган лавозимдаги таълим даражаси ва йўналишига нисбатан малака таълблари кўрсатилган ҳолда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касби Классификаторини ишлаб чиқиши ва 2010 йил 1 августига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритишининг белгиланиши ҳам ҳисобланади.

— Жорий йилда янги йўналишлар ҳам очилганми?

— Албатта, мазкур қарорда ҳам республикамиз иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб этиладиган юқори малакали мутахassislarни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, ижтимой-иктисодий ривожланиш ва иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда таркибий қайта куриш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишларини янада унификация қилиш ва олий маълумотли кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдан иборатлиги ҳам жорий йилда таълим йўналишларини ишлаб чиқариш ва ижтимой-иктисодий тараққиёт билан янада изчил ўйғуллаштириш, ривожланаётган соҳаларга нисбатан сифатли кадрлар тайёрлаш ҳолатини янада мукаммаллаштириш каби мақсадлар ҳам назарда тутилган. Шунинг учун ҳам мазкур ўкув йилида олий таълим муассасаларига талабалар қабулида таълим йўналишлари унификация қилинган ҳолда қабул квоталари белгиланган. Жумладан, касб таълими бўйича бакалавр даражасида мутахassislar тайёрлашга аниқликлар киритилган ва таълим йўналишлари номи аниқ кўрсатилган, шунингдек, курилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва сиёсий соҳалarda ҳам янги йўналишлар очилган. Аниқроқ равишда янги очилган таълим йўналишларini олий таълим муассасалariga нисбатan айтадиган бўлсак, Жаҳон иқтisodiёti va diplomatiya universitetida “халқaro siёsat”, Тошkent давлат техnika universitetida “гидро-энергетика”, Тошkent arxitektura va kурилиш institutiда “қишлоқ aҳoli пунктлari архitekturaviy loyihalaştirishi ташкил этиш” va “қишлоқ kурилиши loyihalaş”, Тошkent Islom universitetida “психология (дин психологияси)” каби 20dan ortik олий таълим muassasasiда 100dan kўproq таъlim йўналишlari очilgan. Янги очилган таъlim йўналишlari тўғrisidagi maъlumotlar bilan abituriyentlarimiz қabul komissiyalarinинг эълонлар taхtasasi ёki Oliy va ўrta maҳsus taъlim vazirligining расмий veb-sayti (www.edu.uz) «Abituriyent—2010» bўlimi orqali biliб olishi mumkin.

— Президентимиз қарорида бакалаврларни Тошкент кимё-технология институти (Кўнғирот бўлими)нинг маҳsus сиртқи бўлими давлат грантлari бўйича — 65 киши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг маҳsus сиртқи бўлими — 50 кишини қabул қилиш kвotalari belgileangan. Ушбу bўlimlarغا қabул қилиш tarbiylari қандай bўladi?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизning келажақдаги тараққiётinинг istiқbollari ҳисобга олинган ҳолда Тошkent kимё-technologiya institutining Kўnғirrot bўlimi tashkil этилган ҳамда maxsus sirtqi bўlimi abituriyentlar қabuli belgilangan. Ushbu bўlimi ga 49-sonli қarorida belgileangan tarbiyda tashkil этиladi. Maъlumki, Toшkent kимё-technologiya instituti (Kўnғirrot bўlimi)ga abituriyentlar test sinovlarisiz imtiёzli raviyda давлат gранти асосида ўқишига қabул қилиnadi. Ўқiшига қabул таъlim йўnaлишlari ga mos уч йillik mehnat stajiga эга abituriyentlar tarbiyida noma abituriyentlar tashkil этиladi.

— Oliy taъlim muassasalari tarbiyida tashkil этиlgan maxsus sirtqi bўlmining taъlim йўnaлишlari sode заводининг йўllanmalari асосида amalga oshiriladi. Taъlim Kўnғirrot sode заводи muҳandislik binosida joyalashgan Toшkent kимё-technologiya instituti ўкуv-laboratoriya basasida tashkil этиladi.

— Oliy taъlim muassasalari tarbiyida tashkil этиlgan maxsus sirtqi bўlmining taъlim йўnaлишlari sode заводи muҳandislik binosida joyalashgan Toшkent aхborot technologiyalari universitetiga ҳam қabul faqat tegishli ёki turdoшtaъlim йўnaлиshiga muvofiq ўrta maxsus, kасb-xunaр maъlumotiga ҳamda kамида 3 йил amalij iш stajiga эga bўlgan, iшlab turgan soҳadan tавsияnomasi berilgan kadrлar xisobidan amalga oshiriladi.

— Maxsus sirtqi bўlmlariga қabul қiliш қoidalari ҳar bir қabul komissiyalarida mavjud. Қabul komissiyalarida abituriyentlar hujjatlarini қabul қiliш iшlari tashkil этиlgan. Agar abituriyentning hujjatlari maxsus sirtqi bўlimi ga қabul қiliш қoidalariiga mos tushsa, эъtirozsziz қabul қiliлади.

— Bu йилgi test savollari жамланмалари, abituriyentlariga tarқatiladigani test topshiriqlarini tayёрлаш borasiда olib borilaётgan iшlар қандай?

— Umuman olganda, umumiy ўrta va ўrta maxsus, kасb-xunaр taъlimiда fойдаланиш учун tавsия этиlgan ўкуv adabiётleri va darsslicklari mazmunida berilgan biliмlar doirasida test savollari жамғarmasi iшlab chiqiladi. Test savollari malakali va ilgor tажribali pedagog xodimlar iшtirokiда йилдан йилga takomillaştiriliб boriladi va test sinovlari ўtkaziladigani ўкуv fanlariдан tавsия этиlgan ўкуv adabiётleri mazmunidan keliб chiqcan ҳolda test savollari tayёрlanadi. Bундан tashkari, abituriyentlarimizga maъlumki, ҳar йili test savollari kitobi

kўп variantlilik асосида шакllantiriladi. Bu йил ҳам umumiy test savollari жамғarmasi янгилanadi, тўлдирилади ва мазкур test savollari жамғarmasidan abituriyentlarimiz учун aloҳida savollar kitobi tayёрlanadi.

— Test sinovlarini ўtkaziш жараёнига қандай янгиликлар киритилмоқда?

— Test sinovlariда fойдаланиладиган materiallar: savollar kitobi, жавоблар va raқasi ҳamda test savollari sonida ўзgariшlar deяrli йўқ. Ammo, test sinovlarini ўtkaziш tarbiylariiga aйrim ўзgariшlar kиритилмоқда. Жумладан, test sinovlariiga abituriyent faktat shaxsini tasdiqlowchi hujjati (pasport ёki pasportga tenglashchi тарбиylariiga aйrim ўзgariшlar), таъlim muassasasi қabул комиссияси томонидан berilgan ruhsatnomasi bilan keliши шарт. Борди-ю, abituriyent boшқa kўshimcha narсаларни auditoriyaga olib kiriшига ҳaракат kilsa, binoga kiriшning ўзида test sinovlarini ўtkaziш tarbiyini buзgan xisoblanadi va test sinovlariдан belgileangan tarbiyda четлатилади. Шунингдек, abituriyent томонидан topshirilgan hujjatlarinинг қалbакiliги aniklansa, у ҳolda abituriyent test sinovlariдан (oliy taъlim muassasasidan) четлаштирилади ҳamda hujjatlarini ўrnatiш tarbiyda hujukni muҳofaza қiliш organlariга юборилади. Bундан tashkari, test natijalari amalda e'lon qilish tartibi bilan birgalikda markazning veb-sayti (www.dtm.uz)da, mobil aloqa xizmatlari orqali ham bir muddatda e'lon qilinadi.

— Oliy taъlim muassasalari kiriш учун test sinovlariiga tayёрgarlik kуraётgan abituriyentlariga қандай tilaklarinigiz bor?

— Albatta, oliy taъlim muassasasi talabasi bўliш ҳar bir abituriyentning orzusi. Чунки, mamlakatimizda taъlimga эътибор йилдан йилga kенгайib, sifat жиҳatdan ortib bormoқda. Қolaverса, ўқuvchi-ёшларimiz rivojlanagan mamlakatlarnda tashkil этиlgan taъlim жараёniдан ҳar жиҳatdan қoliшmайдigan шaroitlarda ўқiшmoқda. Buning natijasida ўқuvchilarimiz muкамmal biliм, kўnikma va malakalarga эга bўlib boriшmoқda. Ўқuvchi-ёшlarining “Barkamol avlod йили”da barkamollik sari tashlagan қadamlarinинг iшonchli va қatъiy bўliшини tilmayman. Test sinovlariда уларга iшonchli biliм, юksak iroda va hotirjamlik ёр bўlsin!

Курбонбой МАТКУРБОНОВ
сuxbatlaşdi.

ДЕНОВ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ТАЪЛИМ МУМАССАЛАРИНИ ЯНГИ ЎҚУВ ИИЛИ ҲАМДА КУЗ-КИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ, БОЛАЛАРНИНГ ёзги дам олишларини ташкил этиш, 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАЪЛИМНИНГ КЕЙИНГИ БОСКИЧИГА ТҮЛИК ЖАЛБ ЭТИШ БҮЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ ўТКАЗИЛДИ.

Айни пайтда туманда 92та умумтаълим мактаби, 32та мактабгача ва 10та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 4та ихтинослашибтирилган мактаб-интернати, 1та футбол ва 1та санаторий тилидаги мактаб-интернати фаолият кўрсатадиган бўлиб, давлат умуммиллий Дастири асосида 4та мактаб биноси янгидан қурилди, 22таси капитал реконструкция, 42таси капитал ва 27таси жорий таъмирланди.

— Туманимиз мактабларининг 9-синфларини бу йил 7100 нафар ўқувчи тамомлади, — дейди туман ХТБ мудири Ҳайдар Сувонов. — Ўқув иили давомида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ижтимоий сўровномалар ўтказилди. Шунингдек, «Касблар фестивали», «Мен орзу қилган касб» мавзусида иншолар танлови ўтказилиб, «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзусида мурожаатнома тайёрланди ва ҳар бир битирувчининг ота-онасига туманда жойлашган касб-хунар таълими муассасалари ҳақида түлиқ маълумот етказиб берилди.

Йиғилишда умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг навбатдаги боскичига түлиқ қамраб олиш бўйича зарур чора-лар белгиланди.

Бўри ФАРМОНОВ

ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА АКЛИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, БАРКАМОЛ ВОЯГА ЕТКАЗИШ, УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА КЎПГИНА ИШЛАР КИЛИНМОҚДА.

Тошкент вилояти ҳалқ таълими бошқармаси томонидан «Ёз — 2010» спорт тадбирлари доирасида ўқувчилар ўтасида миллӣ кураш бўйича Зангита туман биринчилиги ташкил этилди. «Баркамол авлод йилига бағишланган мазкур мусобақада БўСМ (Болалар ва ўсминалар спорт мактаби) тасарруфидаги 4, 11, 12, 14, 17, 45-мактаблар иштирок этди. Қизиқарли ва кескин баҳсларга бой бўлган беллашувларда жамоалар жуда яхши тайёр гарлик кўрганликларини ва миллӣ курашимизнинг ҳаддини қай даражада ўзлаштирганликларини намоён этидилар.

— Спортга ёшликтан кўнгил қўйган ҳар бир авлоднинг фикри ҳам, келажакка ишончи ҳам соғлом бўлади, — дейди БўСМ раҳбари Абдулазиз Мавлонов. — Мусобақаларда ўқувчиларнинг жамоа бўлиб иштирок этиши эса уларни ҳозирданоқ бирдамликка, ҳамхизатлика ундаиди.

Умумий натижалар бўйича 11-мактаб 1-ўринни кўнгил кирифтган бўлса, 2-ўрин 45-мактаб жамоасига, 3-ўрин эса 17-мактаб спортчи-ёшларига насиб этди. Голиблар мусобақанинг вилоят боскичига йўлланма олди. Мусобақа сўнгига уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзМУ талабаси

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАЪЛИМНИНГ КЕЙИНГИ БОСКИЧИГА ҚАМРАБ ОЛИШДА УЛАР БИЛАН ЎҚУВ ИИЛИ ДАВОМИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИ КАТТА АХАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. АВВАЛО, БИТИРУВЧИНИНГ ҚАЙСИ КАСБ-ХУНАРГА МОЙИЛЛИГИ У БИЛАН ўТКАЗИЛАДИГАН ЯККАМА-ЯККА СУҲБАТДА АНИҚЛАНСА, ОТА-ОНАЛАР ИШТИРОКИДАГИ «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»ДА АНА ШУ СЎРОВНОМА ўЗ ЯКУНИГА ЕТКАЗИЛАДИ.

Тошкент шаҳридаги 149-умумтаълим мактабини жорий ўқув иилида 141 нафар ўсмир тамомлади. 5та синфа бириккан битирувчиларнинг галдаги таълим боскичига қамраб олиниши бўйича мактаб раҳбарияти, педагогик жамоа, ота-оналар қўмитаси ҳамкорликда иш олиб борди. Амалдаги тартиб-коидага мувофиқ, ҳужжатлар таҳтилингач, битирувчилар ўз ота-оналари билан ихтиёрий равишда танлаган академик лицей ва касб-хунар коллежларига ташриф буюрди.

— Ўқув иили бошидаёт ҳар бир худуд ва мактабнинг ўзиға тааллуқли код ракамини белгилашдан кўзланган максад шундак, аввало, улар туман худудидаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими даргоҳларида ўқишини давом эттиришлари керак. Бундай тартиб синф раҳбарлари ишини ҳам анча осонлаштириди. Синф раҳбарларимиз ўз ўқувчилари билан ўқув иили аввалидаёт оғзаки сұхбат уюштирилар. Кейинги ҳам сезилгандек бўлди. Бундай пайтда уларнинг ота-оналарини маслаҳатта чакирдик. Шундай қилиб, 141 нафар битирувчининг ўз келажаги учун касбни тўғри белгилаб олишига муввафқ бўлдик. Айни пайтда барча битирувчиларнинг ҳужжатлари Тошкент шаҳридаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига топширилган. Бу таълим даргоҳларига уларни жалб қилишда майдан касбга ва турли фанларга нисбатан қизиқиш ва мойилларни инобатга олинди, — дейди бу хақда мактаб раҳбари Зулхумор Муҳаммаджонова.

Х.ТЎЙМАНОВА



қаси давомида эса

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ. НЕГАКИ, ёзги таътилнинг асосий қисми ҳали олдинда. ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ўТКАЗИШ МАСАДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН МАКТАБ ОРОМГОҲЛАРИ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАЛАРИ ОТА-ОНАЛАР УЧУН МУДДАО БЎЛДИ.

Шундай оромгоҳлардан бири Тошкент шаҳар, Миробод туманинда 60-мактабда ташкил этилган. «Камалак» деб номланган мазкур мактаб қошидаги оромгоҳ эшиклари тумандаги 94-, 110- ва 328-мактабларнинг 7 ўшдан 13 ўшгача бўлган болалари учун ҳам доимо очиқ, 150 нафарга яқин бола спорт, мусиқа, ракс, моҳир кўллар, рассомлилии ва сузиш тўғракларига жалб қилинган.

Дам оловчилар зерикиб қолмаслиги учун оромгоҳ раҳбари Осиё Каримова ҳамда мактабдаги бошқа ўқитувчилар томонидан турли мусобақа ва тадбирлар уюштирилмоқда. Албатта, уларнинг асосий иштирокини — болалар.

«Ассалом ёз!» деб номланган расмлар танлови болаларда катта қизиқиш уйғотди. «Кувноқ стартлар» мусобақа иштирокчилар футбол, шахмат, шашка, югуриш, стол тенниси каби спорт турлари бўйича беллашиди.

Бундан ташкири, ҳар ҳафта болалар «Ёш томошабинлар» ҳамда Ўзбекистон ўшлар театрларида намоиш этилаётган спектаклларни томоша қилишга боришиди.

Соҳиба МАМАДИЁРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Жиззах туманида жўғрофик ўрни, табиий иклими ва обҳавоси билан кўпчилик назарига тушган қишлоқлар бисёр. Ана шундай сўлим гўшалардан бири Ҳурсондир. Иккى адир оралиғида жойлашиб, зина шаклида бир-бирига туташиб кетган уйлар кишининг ҳайратини оширади. Қишлоқ ўртасидан оқиб ўтәётган сойнинг қирғоқлари ям-яшил майса ва гиёхлар билан қопланган. Бу ернинг одамлари ҳам меҳнаткаш ва тадбиркор. Каттаю кичик ўз ховли ва томорқасида турли қишлоқ ҳўжалиги экинларига ишлов берадиганга гувоҳ бўласиз. Қишлоқ болалари ҳам тиниб-тинчмайди, дарсдан бўш вақтларидан бири чорва бокса, бошқаси ота-онасига ёрдамлашган. Шундай бўлса-да, уларнинг кўлидан китоб тушмайди, хаёлд эса мактаб, машғулотлар ва дарсларга тайёр гарлик кўриш резаси чарх уради.

Ҳурсоннинг ҳалқи жуда аҳил ва мөҳрибон. Бирор муаммо ва янгилик бўлса, дарҳол бамаслаҳат, баҳамжихат ҳал этилади. Қишлоқка ҳашар йўли билан табиий газ келти-

КИЧКИНА ҚИШЛОҚНИНГ КАТТА ҚУВОНЧИ

рилгач, каттаю кичикнинг биргина армон ва орзуси янги мактаб барпо этиш бўлиб қолди. Бу орзу ҳам рўёбга чиқди. — Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси доирасида 2009 йилда эски мослаштирилган бино ўрнида 120 ўринни янги мактаб қад ростлади. Айни кунда бта кенг ва ёргу хона, кимё, биология, физика хоналари ва лаборатория ҳамда ЭХМ кабинети ўқувчилар итиёрида бўлиб, жиҳозлардан ўз ўрнида фойдаланаётган ўқувчилар билим самарадорлиги ҳам кўнгилдагидек бўлди.

— Янги мактабнинг бунёд этилиши болаларни ҳам, қишлоғимиз аҳлини ҳам қувонтириди, — дейди қишлоқ оқсоқоли Янгибой Ҳазратқулов. — Мустақиллик туфайли шаҳар ва

қишлоқларимиз янгича қиёфа касб этмоқда. Бир-биридан чиройли ва кўркмада ўқув маснави қад ростляти. Биз ҳам фарзандларимизнинг барча кулагиларга эга бўлган замонавий биноларда ўқишини хоҳлардик. Ана шу орзу-

Акбар Бойқулов. — Натижада, ўқувчиларимиз турли танлов, айниқса, фан олимпиадаларида лаборатория ишларини бажара олмагани кўрсаткичлари паст бўларди. Ҳозир эса вазият мутлақо ўзгарди. Юқори синф ўқувчилари кимё дарсларида турли лаборатория топшириларини мустақил рашида бажариш кўникмаларини ўзлаштироқда.

— Тўғриси, бу каби замонавий жиҳозларни биз асосан газета-журналларда ўқиб, телевидение орақали кузатар эдик, — деб сұхбатга кўшилди 8-синф ўқувчиси Маҳбуба Яҳшиликова. — Янгидан барпо этилган ўқув маснавимизда орзуларимизни амалга ошириш имконияти яратилган. ёзги таътил кунларида ҳам тажрибали устозлар кўмагида компьютер тўғрагаги фаолият

миз амалга ошганидан беҳад хурсандмиз. Фарзандларимиз чекка қишлоқда яшашига қарамасдан, компьютер сабоклари ва лаборатория машгулоптари ўтказиш имконияти эга бўлди. Бу ёшларимизнинг иқтидори ва истеъодини тўлиқ кашф этишга замин ҳозирлайди.

Барча кулагиларга эга бўлган синф хоналарида ўқув мобайнида дарслар кўргазмали куроллар ва техник воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бундай этильбор ва имконият бир ўқув йилинг ўзидаёт ўз самарасини берди. Якунланган ўқув йилида таълим сифати ва самарадорлиги ҳандай бўлганлигини билиш учун ўқитувчи ва ўқувчилар билан сұхbatлашдик.

— Авваллари биз кимё-биология фанларидан амалий машғулот ўтказа олмасдик, — дейди кимё фани ўқитувчиси

курсатмоқда. Бу бизнинг келгусида аниқ фанларни ҳам етарли даражада ўзлаштиришимизга ёрдам беради.

Қишлоқ ёшлари мактаб жиҳозларини асрар ва эҳтиёти қилишга муносабатлари ҳам ўзгармоқда. Хоналардаги барча зарур воситалар, жиҳозлар ўқувчилар томонидан кўз корачиғидек асралмоқда. Яратилган шароит ўз самарасини кўрсатаяти. Буни ўқувчиларнинг фан олимпиадасининг туман ва вилоят боскичида кўлга кирифтган ютуқларидан ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, турли беллашув ва тадбирларда ўқувчилар фоаллиги сезиларли даражада ўсган. Мунтазам ишлаб турган фан тўғраклари эса ўқувчиларнинг жону дили.

Ёш авлодни ҳар томонлама ётук ва баркамол шахс қилиб тарбиялаш — давр талаби. Бу вазифани тўғри англаб етган 7-мактаб жамоаси ёшлар тарбиясига катта талаб ва масъулият билан қарамоқда.

А.СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбiri



Мамлакатимизда қабул қилинган «Мактаб таълими ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» ва унинг ижросини дунё аҳли ўзгача хавас билан кузатиб турибди. Зеро, ушбу умуммиллий давлат дастури асосида атиги бир неча йил ичидаги оламшумул бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда таълим муассасалари юртимиз шаҳар ва қишлоқларидағи энг муҳташам ва кўркам иншоотларга айланди. Биргина Сирдарё вилоятида ҳам айни соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Вилоятда мавжуд 303та мактабнинг бир қисми бутунлай янгидан барпо этилган бўлса, 272таси капитал реконструкция қилинди, мукаммал ва жорий таъмирланди. Курилиш-монтаж ишлари ўз ниҳоясига етгач, умумтаълим даргоҳлари замонавий ўкув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларига мос дарсларнинг янги авлодлари ва ўкув-услубий материаллар билан таъминланди. Айни дамда умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган педагогларни қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш жараёни режали асосда кечмоқда. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш механизми яратилди. Шунингдек, спортни ривожлантириш, айниқса, бу жараёнга қишлоқ кизларини кўпроқ жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, қабул қилинаётган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини ҳётга татбик этишда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари соҳа вакиллари билан биргалиқда фидойилик кўрсатмоқда. Қилинаётган барча ишларда асосий омил ва куч педагогик жамоа бўлишини тўғри англаган мутасаддилар истиқлол туфайли кўлга киритилган улкан муваффақиятлар мазмунини бевосита ўқитувчилар сиймосида болалар қалбига кўчириши мақсад қилиб олган. Худди шунинг учун ҳам сирдарёликлар таълимдаги ислоҳотларга ўқитувчилар фаолиятини тубдан қайта куриш орқали эришилган муваффақиятлар самарасини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилимокда. Бу борада Сирдарё вилоят ҳокимининг ташаббуси билан ташкил этилган кўрик-тандов мактаб ўқитувчилари орасида иқтидори ва қобилияtlарни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-куватлаш, педагоглар ўртасида ўзаро соглом рақобатни куҷайтириша мухим аҳамият касб этмоқда. Танловнинг 1-босқичида 600 нафардан зиёд, вилоят босқичида эса 60 нафар ўқитувчи ва синф раҳбарлари иштирок этди. 3-8 июнь кунлари мазкур танловларнинг вилоят босқичи ҳам уюшқоллик билан ўтказилди. 19 июнь куни «Вилоятнинг энг фаол фан ўқитувчиси» ва «Вилоятнинг энг фаол синф раҳбари» танлови галибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга 12 нафардан энг фаол фан ўқитувчisi, 12 нафар энг фаол синф раҳбари, таълим фахрийлари, устоз-мурабабийлар таклиф этилди.

Мукофотланганлар номидан дастлаб Сирдарё туманинда

СИРДАРЁНИНГ ЭНГ ФАОЛ ФАН ЎҚИТУВЧИСИ


ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ОЛТИ ОЙ ДАВОМИДА РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИЛАДИ

12-мактаб ўқитувчisi Гулсара Давронова сўзга чиқиб, мазкур танловларнинг бир йилда иккى марта ўтказиб борилиши муаллимларни фаолликка ундаши қаторида уларга қаратилётган катта эътибор эканлигини таъкидлаб ўтди.

Голиблар сертификат ва энг кам иш ҳақининг уч баробари мактабларни тақдирлаш, педагогларни мактабдан ташкил таълим самарадорлиги ҳамда мактабдан ташкил тарбияий ишларга қўшаётган шахсий улуши учун ойлик маошига кўшимча равишда 40 фойизгача устами ҳақ олиши баробарида бўлган мактабни таъкидлаб ўтди.

— Мен таълим соҳасида узок йиллар ишладим, — дейди Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчisi, «Нуроний» жамғармаси Сардоба туман бўлими раиси Холмүмин Шукров. — Тажрибам давомида шунга икрор бўлдимки, муаллим эъзозларнан экан, демак унга ғайрат киради, бу ғайрати ва иштиёқ эса пировардидаги таълим-тарбияда ижобий ўзгаришларни юзага келтиради.

Мазкур танлов жорий йилдан эътиборан ҳар йили бир марта ўтказилиб, 10 нафардан энг маҳоратли ўқитувчilar базасини шакллантиришида мухим омил бўлиб хизмат қилали. Ишонч билан айтиш мумкини, устоз-педагоглар орасидан ташабbuskor ва ижод-



МАҲОРАТЛИ УСТОЗЛАР КЎП

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 116 нафар устоз- ўқитувчи ва 348 нафар шоғирд-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Юртимизда кенг миёсда амалга оширилаётган «Энг маҳоратли устоз» сингари танловларнинг ташкил этилиши вилоят таълим истиқболини белгилаб беради.

ИСЛОҲОТЛАР – ИСТИҚБОЛНИНГ МЕВАЛАРИ

Сирдарё вилоят ҳокимлиги таълим тизимида амалга ошираётган тадбирлар хусусида гап кетганда, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари хисобидан вилоят таълим соҳасини ҳар жиҳатдан кўллаб-куватлаш изчил давом этирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Боёвут туманинда 31-, 32-мактабларга ҳомийлар томонидан компютер жамғармаси мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчisi Ф. Каримов эса 2-ўринни, ўқитувчilar ўртасида Ховос туманинда 9-умумтаълим мактабининг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчisi Ўсар Зокироев фахрли 3-ўринни кўлга кириди.

Дарҳақиқат, фарзандлар камоли — юрт истиқболидан нишона. Шу боис келажак авлод таълим-тарбияси ҳеч бир кишини безътибор қолдирмайди. Шу нуқтаи назардан, ҳукуматимиз томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга жавобан Сирдарё вилоятида вилоят ҳокимлигининг қўшаётган ҳиссаси барчани фаолликка ундаса, ажаб эмас.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилояти
«Маърифат чашмаси»
газетаси бош мухаррири



Tashabbus

ўн кун мобайнида ҳар куни тушгача мириқиб ҳордиқ чиқарди. Уларга бир маҳал бепул енгил нонушта бериб борилди.

ЮТУҚЛАРДАН РУХЛАНИ...

Бугун Сирдарё вилоятида мактабларнинг 82 фоизи «ZiyoNet» ахборот тармоғига уланган. Шу йилнинг ўзида Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятидағи 34та етакчи класстер мактаби 884 минг АҚШ доллари мактабида мебель ва компютер жихозларини қабул қилиб олди. 28та умумтаълим мактабига Жаҳон Банкининг «Мактаб таълимни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 147 минг АҚШ доллари мактабида ўкув-методик материаллар берилди.

Сирдарёлик ўқитувчи ва ўкувчи-ёшлар республика миқёсидаги тадбирларда тобора яхшироқ ва кўпроқ иштирок этиб, муваффақиятларга эришмоқда. Хусусан, Ховос туманинда 10-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчisi Аслиддин Болибеков Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми жамғармасининг грантини олишга муваффақ бўлди. Шу йилнинг май ойида Бухорода бўлиб ўтган «Электрон ахборот таълим ресурслари» кўрик-тандовининг республика босқичида Гулистан шаҳридан 8-мактабнинг 9-синф ўқувчisi Б. Абдухалилов 1-, вилоят хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчisi Ф. Каримов эса 2-ўринни, ўқитувчilar ўртасида Ховос туманинда 9-умумтаълим мактабининг «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчisi Ўсар Зокироев фахрли 3-ўринни кўлга кириди.

Дарҳақиқат, фарзандлар камоли — юрт истиқболидан нишона. Шу боис келажак авлод таълим-тарбияси ҳеч бир кишини безътибор қолдирмайди. Шу нуқтаи назардан, ҳукуматимиз томонидан таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга жавобан Сирдарё вилоятида вилоят ҳокимлигининг қўшаётган ҳиссаси барчани фаолликка ундаса, ажаб эмас.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилояти
«Маърифат чашмаси»
газетаси бош мухаррири

«НИХОЛ»ДА БҮЙ ЧҮЗАР НИХОЛЛАР

Ёз фасли болажонлар учун ниҳоятда кувончили давр. Зеро, бу давр болаларнинг ўкув йили давомида ўкув юкламаларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган жисмоний, ақлий ва рухий-эмоционал зўришиларини бартараф қилади, болаларнинг янги ўкув йилига яхши тайёргарлик билан келишларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда стационар, спорт-соғломлаштириш, мактаблар қошидаги, меҳнат-роҳат ва "Мехрибонлик" оромгоҳлари янги мавсум учун зарурий воситалар билан таъминланниб, тўлиқ тартибга келтирилган ҳолда болажонлар ихтиёрига топширилди.

Кундузги соғломлаштириш оромгоҳининг асосий вазифаси болаларнинг дунёқарашини бойтиш, соғликларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятини ўстириш, маънавий камол топишига ёрдам берувчи тарбия ўчогидир.

Шу билан бирга оромгоҳлар ўз фаолият йўналишлари бўйича узлусиз таълим тизимининг мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар — илмий-техника, бадиий-эстетика, экология, табиатшунослик, ўлкашунослик ва сайёхлик, халқ хунармандчилиги каби тўгараклар ишини ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи ва мужассамлаштирувчи муассасалар ҳисобланади.


Ана шундай оромгоҳлардан бири Фарғона тумани Миндон қишлоғидаги 11-умумтаълим мак-

таби қошида ташкил этилган "Нихол" кундузги соғломлаштириш оромгоҳи ҳақида ҳикоя қўймоқчилигидан. Оромгоҳ ҳовлисига кириб борар экансиз, гўзал манзара, ҳовлига экилган кўзни яшнатувчи анвойи гуллар, сув сепилган соя-салқин йўлакчалар, дараҳтлар соясида ўқувчиларнинг стол тениси, шахмат-шашка тўгаракларида шуғуланаётганликларини кўриб, беихтиёр завкланиб кетади киши.

Оромгоҳ педагог ходимлари ҳар бир тадбирни олдиндан пухта ўйланган режа асосида ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда 1–4-синф ўқувчилари учун алоҳида, 5–7-синф ўқувчилари учун алоҳида мазмунан бой, хилма-хил мавзуларни танлаб олишган.

Мактабдаги жами 726 нафар ўқувчидан ҳар мавсумда 100 нафари оромгоҳга жалб этилади. Кам таъминланган оиласларнинг болалари 150 нафарни ташкил этади. Тарбияси оғир бўлган 5 нафар болалар турли тўгаракларга жалб этилди, касб-хунар ўрганишга йўналтирилди. 10дан ортиқ йўналишларда тўгараклар ташкил этилган. Тўгарак раҳбарлари Манзурахон Маллаева, Манзурахон Холбекова, Одинахон Мамажонова ва Хайтжон Қосимова мактабдан ташқари таълимга кўйилі ан давлат талаблари асосида ўкув ревожаларни 12 соатлик дастур бўйича тузиб, машғулотларни қизиқарли ва мазмунли ўтказишга эришишмоқда. Мактаб маъмурияти томонидан болаларнинг қизиқишини ривожлантириш, севган машғулотлари билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, техник моделларни ясаш, расм олиш, мусиқа, драма санъатида ўз кучини синаб кўриши учун ёрдам кўрсатилмоқда. Тўгарак қатнашчиларининг бошқа оромгоҳ болалари билан мусобақалашиши, кўргазмалар ва концертлар каби оммавий тадбирларда иштирок этиши таъминланган.

Биринчи кундаёқ белгиланган гурӯхлар ўтади.



Yozgi ta'til – 2010

сида "Энг яхши таклифлар муаллифи", "Зукко бола", "Тафаккур эгаси", "Файласуф бола", "Маънавиятли бола" номинациялари бўйича танловлар ўтказилди ва болалар томонидан билдирилган энг қизиқарли таклифлар сараланиб, иш режасига киритилди.

Мактаб кутубхона фондидан фойдаланилган ҳолда оромгоҳ кутубхонаси бадиий адабиётлар билан таъминланниб, гурӯхларга хизмат кўрсатиш жадвали ишлаб чиқилган.

Кутубхоначи Гулчехрахон Исокова раҳбарлигидан тарбияланувчилар ўртасида «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови, «Мен севган эртак қаҳрамони» мавзусида расмлар танлови ташкил этилган ва ғолибларни «Китобхонлар куни»да ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда рағбатлантириш режалаштирилган.

Оромгоҳда жисмоний тарбия ва спортга доир ишларнинг пухта ва мазмунли ташкил этилганлиги болаларнинг ўз ихтиёрларига кўра спорт секцияларига кўпроқ жалб қилиниши, спортнинг юкори поғоналари сари қўйиладиган илк мақсадли қадамлардан биридир.

Ёш авлодни миллий гоя асосида ватанпаварлик, дўстлик, тенглик, адолат, ҳамкорликка йўналтирилган экологик, ҳукуқий-ахлоқий тарбия тамоилларини акс эттирувчи тадбирлар ташкил этилмоқда.

Фикримизнинг индаллоси сифатида шуни айтмоқчимизки, ёзги таътил мавсумида ҳам ўқувчи-ёшларнинг онги ва тафаккурини умуминсоний ва миллий гоялар билан бойитиши учун таълим-тарбиявий ишларни юкори савияда олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Махфират КУРБОНОВА

"КАСБИМ МЕНИНГ— ФАХРИМ МЕНИНГ"

ижодий ишлар танлови ана шундай номланди

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида академик лицей ва касб-хунар коллажлари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган танлов ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш борасида мухим қадам бўлди.

Ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларни қобилиятини ривожлантириш, касб-хунарни пухта эгаллашига, илм-фан ютуқларини чукур ўзлаштиришига кенг имконият яратиш, ёшларни кўллаб-күвватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, оммавий ахборот воситаларида ўқувчилар ижодий ишлари натижаларини кенг тарғиб қилиш, илмий ва ижодий ишларга, жумладан, конструкторлик, лойиҳалаш, ихтирочилик ишларига бўлган қизиқишини шакллантириш ушбу тан-

ловнинг бош мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий текшириш институтлари, олий таълим мусобасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси мутахassislari, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилган ушбу танлов иккни босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда танлаб олинган энг яхши ижодий ишлар иккинчи босқичда иштирок этиши учун тавсия этилди.

Ижодий ишлар танловининг якуний босқичида 1-ўринни вилоятнинг қадимий обидалари тасвиранган санъат асарлари бўйича Бухоро санъат коллежи ўқувччиси Бехруз Сафаров эгаллади. 2ta 2-ўрин миллий хунармандчилик, тасвирий санъат ва кумда шакл яратишга

оид ижодий ишлари бўйича Вобкент педагогика коллежи ўқувчиси Моҳира Нажмиева ҳамда маҳаллий шароитларда шифобаҳш лимон ўстиришга оид шахсий кузатувлар натижалари бўйича Когон педагогика касб-хунар коллежи ўқувчи-си Гулмира Раҳматовага насиб этди. 2ta 3-ўринни молия бозори фаолиятида дастурий таҳлил ижодий иши бўйича Бухоро ОО ва ЕСТИ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Ситора Шамсиддинова ва аёллар миллий кўйлагининг янги моделларини яратиш технологияси ижодий ишлари бўйича Бухоро политехника КҲҚ ўқувчиси Гулчирой Фармонова кўлга киритди. Совриндорлар диплом ва қиммат баҳо совфалар билан тақдирландилар.

Қархамон ОЛИМОВ, Бухоро ОО ва ЕСТИнинг академик лицей ва касб-хунар коллажлари билан ишлаб бўйича проректори

2010-yil – Barkamol avlod yili

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигидан инсон ҳукуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида тиизими ва босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

ЎСМИР ВА ҚОНУН

Миллий қонунчилигимизнинг вояга етмаган шахслар манфаатлари ва ҳукукларини ҳимоя килишга оид қисми бунгунги олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳијатига мос тарзда тақомиллаштирилмоқда. Уларда болаларни ҳар томонлама муҳофаза за этиши кафолатлари яратилиган. Бу Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўтган "Ўсмир ва қонун" мавзусидаги конференцияда алоҳида қайд этилди.

Анжуманда юртимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлини саклаш, маънавиятини юксалтиришга давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани ўз самараларини берагётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ички ишлар, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда вояга етмаган шахсларнинг ҳукуқ ва манфаатларини таъминлашда қонун ҳужжатларининг ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топиши борасида қилиниши зарур бўлган ишлар юзасидан фикр алмашиди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ

ТИНИМСИЗ МЕХНАТ ВА ИЗЛАНИШДА

Эртани кунини ёшлар камолида деб билган давлатимизда келажак эгаларининг жамиятда ўз ўрнини топиши, олдига улкан мақсадларни кўйиб, уларни амалга ошириши учун чиндан ҳам катта имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси биносида бўлиб ўтган Республика иқтидорли қизлар анжуманида бу фикрлар алоҳидаги таъкидланди.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур маънавий-маврифий тадбир Республика Маданият ва спорт ишлари вазири, «Камолот» ЁИХ, Олий

ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий ўюшмаси ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчasi ҳокимиияти ҳамкорлигидаги ташкил этилди. Асосий эътибор давлат стипендиалиари совриндорлари, спорт чемпионлари ҳамда республика ва халқаро миқёсда бўлиб ўтган кўрик-танлов голибларини муносиб тақдирлаш ва рағбатлантиришга қаратилди.

— Бу ерда ўтирган барча иқтидорли қизлар — юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойда-

ланиб, келажакда эришган натижаларини янада юксалтиришига ишонамиз, — деди Камолот ЁИХ Марказий кенгашини раиси Баҳодир Фаниев.

Бугунги кунда 156 нафар



иқтидорли қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. 5 нафар талаба қизларимиз Президент стипендиясини кўлга киритган. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида 15 нафар Мирзо Улуубек номидаги, 10 нафар Ибн Сино номидаги, 14 нафар Беруний ва 37 нафар Алишер Навоий номидаги стипендиия совриндорлари таҳсил олмокда.

— Ёшлик инсонга юксак



чўққиларни забт этиш, ҳаёт пойдеворини мустаҳкам куриш учун берилади. Ўсиб-улгайиб бораётган авлод янгилик сари интилиши, ўзидағи куч ва шиҷоатни эзгу мақсадлар йўлида сарфлаши лозим. Айнан мана шу шиор билан яшаётган, Ватан тақдирига ўзини масъул билган ёшларни рағбатлантириш орқали биз кейинги ютуқлар учун замин яратган бўламиз. Зеро, ёшларни мизнинг иходга, илм-фанга бўлган қизиқиши Ўзбекистонни дунёга танитиш учун хизмат қиляпти, — деди Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маъруфова.

Санъат, спорт, илм-фан ва маданиятнинг турли йўналишларида ўз қобилиятларини намоён этаётган ушбу ёш иқтидор соҳибалари муваффакиятга эришишнинг энг муҳим оми-

ли тинимсиз меҳнат ва ҳарарат, ўқиб-ўрганишдан иборат эканлигини эътироф этиди.

— Болалигимда менинг шеърларим ҳам катта саҳналар узра жаранг сочишини орзу қилар эдим. Мана энди, орзуларнинг рӯёбга чиқиши инсоннинг ўзига боғлиқ эканини англадим, — деди Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Зебо Нурмона. — Менинг кичик изланишларим бу қадар катта эътирофга лойиқ деб топилганидан жуда хурсандман. Тенгдошларимни эса янада фаолроқ бўлишга, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга чакираман.

Висола ҚАРШИБОЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Халқимизнинг ажойиб, ибрат қилиб кўрсатса арзигулик қадриятлари кўп. Кўпчилик хонадонларда, албатта, миллӣ чолгулардан њеч бўлмаса, битгаси эъзоз билан сақланади. Нафақат сақланади, балки катта-кичик йигинларда, оила даврасида кўлга олиб меҳр билан чалинади, ашуалар хиргойи қилинади. Катталарнинг ижросини ихлос билан кузатган болалар дам уларга эргашади, гоҳи жимгина тинглаб андоза олишади. Кўнгилларда санъатта табиий бир муҳаббат билан вояга етади.

Гулбаҳор ҳам эсини танибдики, уйларнинг тўрида илиниб тургучи дуторга ошино бўлиб улгайди. Отаси дутор чертса, онаси майин оҳангда хиргойи қила бошлар, болалар эса эшитилар-эшитилмас оҳангда унга жўр бўлишарди. Шунданми, хонадонларида ҳамиша илиқлик кезиб юрар, гўёқи улар жамики турмушашвишларига куй-кўшиқ мададида кўкрак тутиб беришарди.

— З-синфда ўқиётганимда онам кўлимдан тутиб, мусиқа мактабига олиб борди. Ушбу мактабнинг фольклор санъати бўлимида дутор чалишни, қўшиқ айтишни ўрганганман,—деди Гулбаҳор Аҳамбетова. — Дутор чертиб, илк ашуаларимни куйлаб юрган кезларим нуфузли танловлардан бирида иштирок этдим. Ижроим юқори баҳоланиб, маҳсус диплом билан тақдирланишим мен учун жуда катта мукофот бўлган. Бу ҳаётимдаги биринчи муваффакиятим эди. Ана шу эътибор, фамхўрлик келажак йўлини белгилаб берди, десам муболага бўлмас.

Ҳа, мамлакатимизда иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, қўллаб-куватлаш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар қаҳрамонимизнинг ҳам ўз устидаги тинимсиз ишлаб, иқтидорини ривожлантириши йўлида қўшқанот бўлди. У 2003



гини кўлга киритди. Энди уни ҳарсония Зулфияхонимга муносиб издош бўла олиш масъулияти ҳам сергаклантириб турарди.

Коллежни тамомлаган Гулбаҳор Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига қабул қилинди. Талабалик йилларида журналистика соҳасининг ўзига хос нозик жиҳатлари ва корейс тилини пухта ўрганишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб кўйган қаҳрамонимиз санъатдан асло йироқлашмади. Дуторини чертиб янгидан-янги миллӣ куйларни ижро этди. Айниқса, уни “Ўзбегим ёшлари” гурӯхига таклиф этишгач, ижодининг сермаҳсул фасли бошланди, десак янглишмаймиз.

келади. “Ўзбегим ёшлари”нинг алоҳида ютуғи, эътиборли жиҳати мана шунда, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, «Ўзбегим ёшлари» гурӯхи ҳар йили чет эл сафарларини уюштиради. 2007 йили Малайзияда, 2008 йили Испания, Португалия, Францияда, 2009 йили иккинчи бор Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган фестивалларда юртимиз ёшлари, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари миллӣ маданиятини намойиш этиб келмоқда.

— Яқинда олий ўқув юртини тутатиб, халқаро журналист дипломини кўлга олдим, — деди Гулбаҳор. — Орзуларим кўп. Қорақалпоқ миллӣ бахшичилик санъатини журналистика билан бирга

БИРИНЧИ МУКОФОТ ҚАДРИ

йили Болалар мусиқа мактабини тутатиб, Нукус маданият ва санъат коллежининг миллӣ мусиқа бўлимига ҳужжатларини топширди. Ўқишига кириш учун бўлиб ўтган танловда «Ошиқ Фарид» достонидан парчалар ижро этган Гулбаҳор олий ўрин соҳибаси бўлиб, коллежга имтиёзли тарзда қабул қилинди. Кейинги йиллар ҳам изланувчан истеъодод соҳибаси учун омадларга бой бўлди. Ўзбекистон халқ бахшиси Файрат Ўтимуродовдан баҳшичилик сирларини ўрганиб, ўзининг ажойиб ижролари билан санъат аҳли назарига тушган Гулбаҳор 2005 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотининг маданият йўналиши бўйича голибли-

Бир гал «Истиқлол» санъат саройида Зулфияхоним қизлари ва “Ўзбегим ёшлари” гурӯхи аъзолари иштирокида катта концерт дастури бўлиб ўтди. Унга таклиф этилган Гулбаҳор “Қарақалпоқда” кўшигини шундай берилиб куйладики, залдагилар ўринларидан туриб, қарсак чала бошладилар.

— Шу концертдан сўнг “Ўзбегим ёшлари” гурӯхи вакиллари мени ҳам ўз сафларига олишиб, — деди ҳаётидаги яна бир унугтилмас из қолдирган воқеъликни ёдга олади у. — Гурӯхга турли вилоятларда вояга етган истеъододли ёшлар жамланган. Бу эса ҳудудларнинг ўзига хос анъаналари, ижро услубларини саҳнага олиб чиқишида жуда қўл

олиб бориш, миллӣ маданиятизмни кейинги авлодларга етказишига ҳисса қўшиш энг катта орзум.

...Гулбаҳор — мамлакатимизда ёшларга қўрсатилаётган имкониятлардан баҳра олиб, камолга етайди. У ўша болалигидаги кўлга киритган биринчи мукофотини — она юрти унинг милт этган истеъодини тақдирлаб, катта йўлга бошлаганини њеч унита олмайди. Биринчи мукофотнинг қадри ана шундай юксак. У ана шулар ҳақида жўшиб ёзмоқчи, куйламоқчи!

Феруза БОБОХОНОВА,
Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабалари

**ҚАЙТА НАШР ЭТИШ
БҮЙИЧА ТЕНДЕР
САВДОЛАРИДА
ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН
ТАКЛИФНОМА**

Тендер тартиб рақами: 15-MRT-2010.

Тендер номи: Дарслик ва ўқув-методик кўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан қайта тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шахри 100159, Мустакиллик майдони, 5-й.

Молиялаштириш Давлат бюджети ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблаглари хисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларни нашр этиш учун наширётларни таклиф этади.

Тендер савдоларида қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банк-ротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганига олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганини учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларни нашр этиш билан шуғуланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажара олган наширётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Катнашчи буюртмачига шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга жавоб берини лозим.

Дарслик ва ўқув-методик кўлланмаларнинг оригинал макетига бўлган ҳуқуқ Буюртмачи ва Нашриётлар ўртасидаги шартномага муовфик. Буюртмачига берилган.

Нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик кўлланмаларнинг номи ва нусхаси кўйидагилар:

Пакет рақами	Дарсликлар номи	Синфи	Таълим тили	Адади
1	Адабиёт	8	туркман	1013
2	Адабиёт	8	киргиз	1089

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус №20203000100101044002 (АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Мехнат Филиали, МФО:00423, СТИР: 201122808) хисоб рақамига 2 000 000 (икки миллион) сўм ўтказганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юкоридаги хисоб рақамига тўғридан тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун катнашчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

Тендер савдоларида катнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2010 йил 28 июндан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00гача тендер савдоларига тегишли кўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш" бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шахри, Мустакиллик майдони, 5-й, 319-хона, телефон: (+99871) 239-40-83, факс: (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар таклифнинг умумий кийматининг икки фойизидан кам бўлмаган зақалат суммаси билан бирга 2010 йилнинг 9 июль куни соат 14:00га кадар юкорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Тендер таклифлари 2010 йил 9 июль куни соат 15:00да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шахри, Фурқат кўчаси, 174-й.) барча катнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда катнашчиларга қайтарилади.

Тендер комиссияси ўзининг эҳтиёктарлик чораларидан келиб чиқсан ҳолда Тендер ҳужжатининг I боб б-бандида белгиланган тартибида Тендер ҳужжатларига кўшимчалар критиш орқали таклифлар топширишнинг охирги муддатини узайтириши мумкин. Барча катнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охирги муддатидан ўзгарган муддатга мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи катнашчилар томонидан тендер тақлифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

2010-2011 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН КИЛАДИ:

БАКАЛАВРИАТ КУНДУЗГИ БЎЛИМ

Ўқиши ўзбек тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари:

- Математика.
- Физика ва астрономия.
- Кимё.
- Биология.
- География ва иқтисодий билим асослари.
- Тарих.
- Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси.
- Педагогика ва психология.
- Мехнат таълими.
- Мусиқа таълими.
- Ўзбек тили ва адабиёти.
- Хорижий тил: инглиз тили.
- Мактабгача таълим.
- Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими.
- Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш.
- Жисмоний маданият.
- Дефектология.

Ўқиши рус тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари:

- Рус тили ва адабиёти.
- Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гурухларда).
- Хорижий тил: инглиз тили.
- Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш.
- Тарих.

Ўқиши қозоқ тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари:

- Қозоқ тили ва адабиёти.
- Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш.

Ўқиши тоҷик тилида олиб бориладиган таълим йўналишлари:

- Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш.
- Тоҷик тили ва адабиёти.

ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИҲОНЛАР АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш (тоҷик гурухи) таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар тоҷик тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.
- Тоҷик тили ва адабиёти таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар тоҷик тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.
- Қозоқ тили ва адабиёти таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.
- Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш (қозоқ гурухи) таълим йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиёти (ёзма), математика (ёзма), тарих (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.
- «Жисмоний маданият», «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси», «Мусиқа таълими» таълим йўналишларига ҳужжат топширган абитуриентлар асосий таълим йўналишлари бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Шунингдек, кўрсатилган таълим йўналишига тегишли блокдаги фанлар бўйича абитуриентлар тест синовларидан ўтадилар.

Аризалар қабул қилиш муддати 20 июндан 20 июлгача.

Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

- Таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ректор номига ариза.
- Умумий ўрта (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
- 086/У шакл бўйича тиббий маълумотнома.
- 3,5x4,5 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
- Паспортнинг нусхаси.
- Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади ва ундаги маълумотлар қайд қилинади.
- Танловдан ташқари ўқишига кириш ҳуқуқига эга бўлган ҳалқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар голиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширадилар.
- Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм кўмандонлиги тегишли тавсияномасининг аслини тақдим этадилар.

Институтда талабалар учун спорт заллари, кутубхоналар, ошхоналар ва ётоқхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

Ўқиши давомида талабалар компьютер саводхонлигини ошириши ва интернет

тармоғидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтига ўқишига марҳамат!

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шахри, 48-даха, 1-в уй
тел.: (8370) 662-24-89, 662-36-30, 662-25-17
Web-саҳифамиз www.tvdpi.uz. Эл. почта. tsvpi.info@edu.uz
ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

ТАНИМ СОҒ, РУҲИМ ТЕТИК БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА РУЖУ ҚЎЙМАНГ

Инсон баркамоллигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири — тана ва рух саломатлигидир. Бу йўлда олиб борилаётган амалдаги ишлар каторида айнан ёшларимизда соглом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш кўнилмаларини ҳосил этишга алоҳида аҳамият берилади. Жумладан, «Баркамол авлод йили» давлат дастурига ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголли ичимликлар ва тамаки тарқалиши ҳамда 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкогол истеъмол килиш ва тамаки чеклаш тўғрисида»ги Конун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи киритилган. Бу каби сайд-харатлар ёшлар умринг эрта ҳазон бўлишига сабаб бўлаётган иллатларнинг олдини олишга ҳамда амалга оширилаётган ишлар самараадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Кейнинг пайтларда жаҳон оммавий аҳборот во-ситаларида соҳа мутасаддилари берәётган маълумотларга кўра, алкоголга эрта ружу қўйган кишилар ўз тенгдошларидан 15-20

йилга кам умр кўриши ҳақидаги ташвиши ха-барлар берилмоқда. Таркибида алкогол миқдори кам деб ҳисобланадиган спиртли ичимликлар, айтилик пиво ичимлиги ҳам кишилар ҳаётига жиддий хавф тугдириши илмий

Ta'kid

асослар билан исбот қилинмоқда.

Масалан, пиво таркибида тетрагидрохинолин деб номланган кимёвий модда бўлиб, у инсоннинг мия фаолиятини, марказий нерв системасини ишдан чиқарар экан. Бу

алкоголь баъзи олимларнинг фикрига кўра аста-секинлик билан нафақат инсоннинг марказий нерв системасини, балки уни бошқариб турувчи нерв тугунларини ишдан чиқариши, шу билан бирга у генларни мутациялай бошлайди. Бу эса ўз навбатида наслдан наслга ўтувчи янги, даволаб бўлмайдиган ирсий касалликларни келтириб чиқариши аниқ. Демак бу касалликлар авлоддан авлодга ўтиши натижасида ДНКси мутантлашган «алкоголь» одамлар гурухини вужудга келтириши мумкин.

Бу каби мисоллардан келиб чиқсан ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳозирда спиртли ичимликларга ружу қўйиш катта муаммога айланаб бормоқда. Бу иллатга қарши юқорида санаб ўтилган чоралар билан биргаликда бутун жамоатчиликнинг бир бўлиб кураш олиб бориши кутилган натижани беради.

Аброр ҲАҚИМОВ,
Тошкент банк коллежи
ўқитувчиси,
техника фанлари
номзоди

... ўқувчиларнинг шўх-шодон кийқириклиари келиб турган, мусиқа садолари янграётган сўлим оромгоҳи тусмollab келсангиз ҳам бир зумда топиб оласиз. Боф-рголар кўйинидаги маскандаги асрор гу-жумларнинг шамоли кўнглингизга эпкинек таралади, соя-салқинда шахмат-шашка мусобақаси ўтказётган ўғил-қизларнинг ақл машқига берилиб кетишлари табиий кўринади.

тилган
стол тен-
ниси атро-
ф и д а г и
ғужон болажонларнинг ҳаракатидан, аввало, ҳайратланасиз, кейин эса тасанно айтасиз.
— «Касбим — фах-
рим» деган мавзуда уч-
рашув ҳам ўтказдик, —
дэйди ѡромгоҳ етакчи-
си Гуласал Матёкубова.,
— Мазкур жараёнда энг
фаол иштирок этган би-
лимдон ўқувчи алоҳида
рағбатлантирилди.

Yozgi ta'til—2010



Оромгоҳ кутубхонасида 450 дан зиёд китоб мавжуд. Куни кече «Эртаклар — яхшиликка етаклар» тадбири бўлиб ўтгандиги ҳақида фикрларини этироф этишади тарбияланувчилар. Эртаклар болаликдан хикоя киласди. Эртаклар бизга ширин хотираларни етаклаб келади. Эртаклар бизни шўх ва

ҚАРМИШНИНГ БАҲАВО МАСКАНИ

Сал нарироқда бир гурух санъат ихлосман-длари қўлларидағи ру-бони куй сеҳрига монанд ҷалар экан, илохий сознинг курдатидан руҳият бир енгил торт-гандек бўлади. Мусиқа имидан сабоқ бераётган Машхур Ёкубовнинг дил торини чертгандек ҳар бир сеҳру-синоатдан боҳабар қилаётгандиги ёшларга яхшигина на-муна дарси бўлаётган. М.Ёкубов санъат тўгари-ги аъзоларининг тобора кўпайиб бораётгандигидан хурсандлигини этироф этади.

Оромгоҳ сари янада ичкарилаб борсангиз, чердаклар тагига ўрна-

«Кувноқ стартлар» мусобақасида энг чақ-кон ва эпчилларга омад қулиб боқади. Жисмоний тарбия йўриқчиси Дилнурда Каримова ўтказилган мусобақанинг голибларини номма-ном айта бошлади...

— «Томчи сувда ҳаёт жилвали» деб номланган тадбирда голиб чидим, — фахрланиб гапиради қармишлил Зилола Матёкубова. — Бу тадбир баҳонасида сувнинг инсон учун, наинки инсон, балки она заминдаги жамики тирик ҳилқат учун ғоятда бебаҳо неъмат эканлигини яна бир бора ҳис этдик.

Ўйинқароқ болалигимизга олиб кетади. Илохий ва кўринмас сирли тилсим бўлган эртаклар ҳақидаги тадбир оромгоҳда дам олаётган болажонларда катта қизи-киш ўйғотди.

Янгиарик туманидаги Қармиш қишлоғида жойлашган Ибодулла Иброҳимов номидаги оромгоҳда мириқиб дам олиб, соглигини мустаҳкамлаётган 80 нафар ўғил-қизнинг ҳар бир куни таассуротларга бой ўтётгандигидан мамнун бўлдик.

**Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА**

Хоразм вилояти,

ҲАР АМАЛНИНГ БАҲОСИ БОР

Умр йўлини илим чи-роғи билан нурафшон этиб, эзгуликларга ёндош инсон доимо эзлимида ибрат бўлиб келган. Албатта, бундай ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсон умринг асосий қисмими иғна билан қудук қазиша менгзаладиган илму адаб ўрганиши, не-не куну тунни бедорликда ўтказиши зарур.

Тошкент молия институти-нинг «Молия инжиниринг ва бо-зорлар» кафедрасида ёшлардан бир қадам ҳам ортада қолмай фаолият олиб бораётган устоз Абдурашид Абдураимов ана шу машақатлардан чўчимай илим йўлини танлаганига шукrona айтади. Зоро, бугун у кишининг ортидан эргашиб, камолот пиллапояларидан одимлаётган шогирдлари мұваффакияти ҳар қандай мукофотдан айланади. Урта Чирчик тумани ёшлар кўмитасида инструктор бўлиб иш бошлаган йигитни бир йилдан сўнг Тошкент вилояти ёшлар кўмитасига ишга таклиф қилиши.

Тўрт йил давомида ёшлар билан ишлаб уларни фаолликка ундаған толиби илим ўз билимларини кенгайтириш максадида онаизорининг дуолари билан Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институти талабаси бўлди. Талабалик даврида ёки олишда ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб, кўпчиликнинг меҳрини қозонган Абдурашид Абдураимов талабалар учун бериладиган имтиёзли стипендия соҳиби бўлди. Институтни



Fanimiz fidoyilar

тамомлаётган ўш мута-хассисга устозлари ўқишини аспирантурада давом эттиришни так-лиф этишиди. Бу кейин-чалик унинг номзодлик диссертациясини мұ-ваффакиятли ёқлашига сабаб бўлди. Ёш тадқиқотчи ўша вақтда дол-зарб аҳамиятга эга бўлган «Қишлоқ ҳўжа-лиги ривожида фан-тех-ника тараққиётининг ўрни» мавзусида илмий изланишлар олиб бориб, илм-фан ўнглиларни амалиётга жорий этган ҳолда орзу қиласди.

Юртимизда эл фаровонлиги учун қилинаётган ҳар бир иш юксак қадрланади. Шу сабаб Абдурашид академинг таълим ва тарбия соҳасидаги самарали меҳнатлари кенг жамоатчилик томонидан муносиб баҳосини топиб келмоқда.

Умр — оқар дарё, дейишади. Устоз ўтган ҳаёт йўлига бокиб яна шукrona келтириади. Чунки у ўз умринг фарзандлирио шогирдлари камолига багишлаб туганмас баҳт топди. Ана шу ҳикмат маъноси бугун устознинг ортидан эргашаётган шогирдлари меҳнатида ҳам ўз аксини топаётганина бир сабоқdir.

И.ОЧИЛОВ,
институтнинг молия-иктисод
ишлари бўйича проректори,
доцент,
Х.АХМЕДОВ,
«Магистратура бўлими»
бошлиғи, доцент

Ҳар бир инсон ортидан яхши ном, солих фарзандлар ҳамда бошлаган йўлини давом эттиргувчи шогирдлар қолдириши орзу қиласди, шу мақсадда бутун умринг эзгулик биносини барпо этишига багишлайди. Бундай инсонлар ҳалқ ёдида мангуга муҳланади, фарзандлари яхшилик, меҳр ва мұҳаббат уруғини авлодлари қалбидан ундираверади, шогирдлари эса ҳалоллик ва фидойи-лика йўғрилган илим машъалини бўлғуси олиму алломалар қўлларига етказаверади. Умр мазмунини фарзандлар камолида деб билган Абдурашибор Исаев ҳам ана шундай жонкуяр инсонлардан бири эди.

Xotira



шу хислатларини янада янги кирралари билан кўрсата олди.

Маҳоратли ўқитувчи, тиниб-тинчимас раҳбар сифатида жамоа ишончини қозона олган Абдурашибор Исаев 1963 йилдан то 2005 йилга қадар 25-мактабга раҳбарлик қилди. Узоқ йиллар мактабни бошқариш жараёнда таълим фидойиси ўқувчилар билим самараадорлигини ошириш, ўзлаштиришни юқори погонага кўтариш ҳамда уларни ҳар томонлама етук инсон қилиб вояга етказиш максадида илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланишга, оиласлар билан алоқани мустаҳкамлашга, бу борада жамоатчиликнинг кучига таяниш

ЯХШИЛДАР ЁДИ БАРҲАЁТ

Абдурашибор Исаев ўрта мактабни та-момлагач, ҳозирги Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишига кирди. А. Исаев ўзининг интилиувчаниги, билим чўққиларини эгаллашга бўлган кучли ҳоҳиши ва жамоат ишларида фаол иштирок этгани билан барчага ўрнек бўлди, келажакда ёш авлодга таълим-тарбия беришда зарур бўладиган педагогика фани асосларини пухта ўрганиши билан факультетда, устозлари ва тенгдошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Университетни мұваффакиятли битирган ўш мутаҳассис ўз фаолиятини Сирдарё туманидаги 25-умумтаълим мактабида бошлади. Куч-ғайратга тўла ўш педагог мактаб ўқувчилари тарих фанидан дарс берар экан, ўзининг бор билим ва тажрибасини намоён этди. А. Исаев жамоадошлари, ота-оналар, ўқувчилари қалбидан чукур жой эгаллади. Бунга ўзининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, ўқувчилар билан тил топиша олиши, зиммасига юклатилган вазифага масъулият ҳисси билан қараши туфайли эришиди. Кейинчалик мактаб директори ўринбосарлигига тайинланганида у ана

га алоҳида эътибор қаратди. Қирқ йилдан ортиқ вақт давомида неча минг шогирдини катта ҳаёт сари кузатди, кейин ҳам уларга ўз ёрдамини аямади. Улар бугун турли соҳада ўзларига билдирилган ишончини оқлаб, эл хизматида камарбаста бўлмоқда.

Таълим соҳасидаги юксак хизматлари учун 1999 йилда Президентимиз Фармонига асосан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган мөхир педагог, ташкилотчи раҳбар 2003 йилда янада самарали фаолияти учун «Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Дунё ҳикматга бой, синоатлари бисёр. Ҳар бир ўтган дақиқа инсон ҳаётидаги минг турфа сирларни кашф этади. Устоз Абдурашибор Исаев ҳам ана шундай ҳайрат ва эътироғга лойиқ эзгуликка йўғрилган ишлари билан соҳа ходимлари, шогирдлари ва фарзандлари қалбларида абадий қолади. Бу инсон бугун орамизда бўлмаса ҳам унинг сўзлари, қолдирган илм-маърифат чироги кишилар қалбини ёритаверади. Зоро, яхшиларни улар амалга оширган эзгу ишлар ҳамиша ёдга солиб туради.

С.РУСТАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўкув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли, 2001 йил 6 июндаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўкув адабиёти муаллифи» танлови галибларига илмий даражада илмий унвон бериш тўғрисида»ги 290-сонли қарорлари асосида
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъод» жамғармаси

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўкув адабиёти муаллифи – 2010» республика танловини

ЭЪПОН ҚИПАДИ

Танловда республика олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва умумий ўрта таълим мактаби педагоглари, илмий тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари, муаллиф ёки муаллифлар жамоаси (шу жумладан, ижодий гурухлар) нашр этилган дарслик ва ўкув адабиётлари (ўкув кўлланма, электрон дарслик, электрон ўкув кўлланма, изоҳли лугатлар) билан иштирок этишлари мумкин.

Танлов умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим турлари учун қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
2. Математика ва табиий-илмий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
3. Умумкасбий фанлар бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
4. Мутахассислик (йўналиш) фанлари бўйича яратилган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
5. Ахборот-коммуникация технологияларини амалиёт ва ўкув жараёнига татбиқ этишга хизмат қиласиган энг яхши электрон дарслик ва ўкув кўлланма.
6. Миллий гояни ёшлар онгига сингдиришга ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиласиган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
7. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
8. Узвийлик ва узлуксизлик таълим жараёнини шакллантирувчи энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
9. Касбий қўникма ва замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишга хизмат қиласиган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.
10. Барча фанлар бўйича дидактик материаллар (лугат, изоҳли лугат ва ҳ.к.) ҳамда ўкув-услубий мажмуда яратишга хизмат қиласиган энг яхши дарслик ва ўкув кўлланма.

Танловга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари имзолаган йўлланма хати ва илмий (педагогик) кенгаши қароридан кўчирма;
- танловда қатнашувчи муаллиф(лар)нинг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи, лавозими, ўкув адабиётининг номи кўрсатилган маълумотнома;
- муаллиф(лар) паспортидан нусха;
- тақдим этилаётган адабиёт (2 нусхада) ва мазкур адабиёт бўйича фан дастури;
- Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан адабиётни нашр этишга берилган гувоҳнома ва буйруқ нусхасидан кўчирма;
- адабиёт бўйича олингандар тақризлар;
- Давлат Патент идорасида рўйхатга олинганилиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (электрон нашрлар учун);
- танловда қатнашаётган адабиётлар учун жилдли ҳужжатларнинг рўйхати (реестри).

Танлов шартлари бўйича эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 25 июлгача танловга ҳужжатлар белгиланган тартибда тақдим этилади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган ҳамда аввалги танловларда қатнашган адабиётлар танловга қабул қилинмайди.

Сўнгги уч йил оралиғида нашр этилган, таълим жараёнида камиди бир йил синовдан ўтган адабиётлар танловда қатнашишга ҳақли.

Номинациялар (1та ўрин) бўйича галибларни тақдирлаш шартлари:

- 1-мукофот: I даражали диплом ва пул мукофоти.**
2-мукофот: II даражали диплом ва пул мукофоти.
3-мукофот: III даражали диплом ва пул мукофоти.

Танлов галибларининг дарслклари 2- ва ундан кейинги нашрдан чиққан тақдирда, ўрнатилган тартибда илмий унвон ва илмий даражалар олишга даъвогар бўлишлари мумкин. Танловга қабул қилинган адабиётлар рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўкув адабиёти муаллифи – 2010» Республика танловининг Низоми билан олий таълим муассасасининг электрон почтаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш Марказида танишиш мумкин.

Танловга тақдим этилган материаллар ва тақризлар қайтарилмайди.

Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 42-й. Тел: 233-34-22. Факс: 233-34-02

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2010–2011 ўқув йилига қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича Кундузги бўлимга қабул эълон қилади:

- бастакорлик санъати;
- санъатшунослик (музиқашунослик);
- дирижёрлик (хор дирижёрлиги);
- чолғу ижрочилиги (фортециано, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий чолғу ижрочилиги, эстрада чолғулари);
- вокал санъати (академик, анъанавий эстрада хонандалиги);
- техноген санъат (музиқий овоз режиссёrlиги);
- мусиқа таълими

Манзил: Тошкент шаҳри, «Олмазор» кўчаси, 1-й.
Телефон: 244-61-57.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ



АЖАРИЯ ТОПИЛМАСИ

Грузиялик археологлар Ажария худудидан Кадимги Рим даврига оид буюмларни топиши. Қазилма ишлари давомида Махо қышлоғида мутахассислар томонидан шиша ва со-полдан ясалган идишлар, шунингдек, бронза ва кумуш тангалар топилган, деб маълум килди «Rustavi 2» манбаси.

Археологлар кадимий топилмалар эрамиздан аввалги III асрға оид, деб тахмин қилишмоқда. Этиборлиси, илгари бу худудда шиша идишлар топилмагани учун мазкур буюмлар ўзига хос қўйматега эга, деб эътироф этилмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, шиша идишлар Грузияга четдан олиб келингани тўғрисидаги фикр илгари суряляпти. Ўз навбатида, бу ҳолат мамлакат ва Рим империяси ўтасида ўтмишда мустаҳкам алоқалар ўрнатилганидан далолат беради. Археологларнинг фикрича, буюмлар топилган Чороха дарёсининг чап соҳилица кадимда римликлар қароргари бўлган.



ИЛК НАТИЖАЛАР МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Биолог олимлар одамларнинг генетик тўплами турларини ўрганиш максадидаги «1000 инсон геноми» номли кенг доирадаги лойиҳада эришилган илик натижаларни эълон қилинди. Улар Бэйлор тиббиёт коллежи газетасида чоп этилган.

Умуман олганда, «1000 инсон геноми» — бу бир одамнинг ДНК изчиллиги ва кетма-кетлигини аниқлашга қараштаган дастур. Олинган натижалар ёрдамида эса мутахассисларнинг дунё аҳолиси вакиллари ўтасида генлар тўплами (геном) жиҳатидан кузатиладиган фарқлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишади.

Хозирда тадқиқотчилар лойиҳанинг уч босқичини якунлади. Даставлаб олимлар минглаб генларнинг «маъно» қисмлари — экзонлар борасидаги батафсил маълумотларга эга бўлишди. Экзонлар шундай генетик ахборотни ўзида мужасам этадики, унинг асосида оқсиллар синтезланади.

Иккинчи босқичда олти кишининг ДНК таркиби борасидаги батафсил ва ишончли ахборотларга эга бўлиш талаб этилди. Ҳар бир иштирокчining геноми 20-60 марта ўрганиб чиқилди. Айтиш керакки, бу инсонлар бир-бираiga қариндош бўлган ва уларнинг ген тўплами маълумотлари бир оила вакилларида ДНК қандай ўзгариб боришини ўрганишда кўл келади. Қолаверса, генетик кетма-кетликин кузатиш орқали тадқиқотчилар амала фойдаланилаётган қатор технологияларни кўллаб, уларнинг самараасини ҳам тақослаш имконига эга бўлишган. Якунда эса 180 нафар қатнашчининг ДНКлари тадқиқ этилган, бироқ бу маълумотларнинг ишончли эканни ҳали қатъни таъкидланмаган. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, лойиҳа уч йилга мўлжалланган ва 2008 йилда иш бошлаган. Лойиҳа мутахассисларининг айтишича, олинган маълумотлар жуда кенг миқёсда, хусусан, турли касалликларни самарали даволашда, айниқса, кўл келиши кутилмоқда.



МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНИНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАСИ

Массачусетс технологик институтининг бир гурӯх мутахассислари тез ва осонлик билан кўз касалликларини ташхислаш имконини берадиган «NETRA» («NETRA») дея номланувчи кичик ускунани ишлаб чиқди. Бу ҳақда [rian.ru](#) электрон саҳифаси эълон қилди.

Шаклан у телефон дисплейи (экрани)га мустаҳкамланган ўта кичик пластик асбобидир. Кўриш даражаси аниқлигини белгилаш учун ускунага қараган ҳолда мобил алоқа аппаратидаги маълум тұгмаларни кизил ва яшил рангдаги параллел қизиқлар бир-бираiga устма-уст тушгунича босиб туриш зарур. Ушбу ҳаракатни қизиқларнинг түрли бурчак остида бўлишига қараб 8 маротаба тақорлана зарур. Жараён икки дакиқадан ортиқ вақт таълаб этмайди. Ишланман муаллифларнинг фикрича, ташхис натижалари аниқлиги аберриметр ёрдамида ўтказиладиган стандарт текширувлардан қолишмайди.

Мутахассислар мазкур усулнинг энг устун жиҳати унинг оммаболлигига эканини таъкидлашмоқда. Чунки бунинг учун фақат дастурий таъминот ва кичик ускуна керак, холос. Жиҳознинг нархи ҳозирча 2-3 доллар бўлиб, бу турдаги маҳсулотин ишлаб чиқариш кенг йўлга кўйилса, унинг баҳоси бундан-да арzon бўлиши мумкин.



ТАНЛОВДА ИШТИРОК УЧУН ТАКЛИФ

Танлов тартиб рақами: ЎМКХТД-2010/06

Танлов номи: Дарсліклар ва ўқув кўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан тақороран танлов.

Буюртмачи: Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази.

Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-үй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Танловда банкротлик жараёнида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган ҳамда дарсліклар ва ўқув кўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун маҳсус руҳсатнома (лицензия)га эга ва илгари Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул килинган мажбурийларини лозим даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи харидорга шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар танлов ҳужжатининг II бобида келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

Танлов комиссияси ўзининг эътиёткорлик чораларидан келиб чиқсан ҳолда I бобнинг 6-бандида белгиланган тартибда танлов ҳужжатларига кўшимча киритиш орқали таклифларни топширишнинг охирги муддатини узайтириши мумкин. Бунда қатнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охирги топширилиш муддатини ўзгарган муддатга пропорционал равишда ўзгаради.

Танловга тақдим этиладиган дарсліклар ва ўқув кўлланмаларнинг рўйхати илова этилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ва танлов ҳужжатларини харид этган нащриётлар танлов эълон килинган кундан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 18:00гача танловга тегишли кўшимча маълумотларни Ўрта маҳсус, касб-хунар таъли-

ҚУШЛАР ХАВОТИРГА СОЛМОҚДА

Упсала (Швеция) университети тадқиқотчилари ноодатий изланиш ўтказиши. Жараёнда улар Франция жанубида умргузаронлик қиласидан Ўрта Ер денгизи чайка (балиқчи қуш)ларида антибиотикларга нисбатан у ёки бу шаклдаги чидамлилик кузатилишини аниқладилар.

Илм-фандада шундай бир қараш мавжуд: агар атроф-мухитда антибиотик модалар чидамлилик ҳолати ривожланса ва кенг ёйилса, бу келгусида инсоният тўйнаш келиши мумкин бўлган энг асосий таҳдидлардан бирига айланни эҳтимолдан ҳоли эмас. Мазкур вазиятнинг хавфлилиги эса замонавий усуллар билан инфекцион касалликларни даволаш самараси пасайши билан изохланади.

«Плос Ван» журналида хабар берилишича, айни кунда чайкалар тиббиёт мутахассислари катта қизиқиш ва хавотир уйғотмоқда. Боиси уларнинг ҳаёт кечириши бевосита инсонлар билан битта муҳитда кечади, демакки, улардаги мазкур ҳолат одамларга ҳам кўчиши мумкин.

Балиқчи қушларнинг салкам ярмида антибиотиклар таъсирига чидамлилик борлиги билан биргаликда уларнинг ўндан бир қисмida бета лактамаз туридаги бактериялари кузатилиши ҳам аниқланди. Таҳриба ўтказган мутахассислар кушлар ўтасидаги инфекцияни юқтириш механизми одамларда кузатилгани каби кечишини исботладилар. Аслида айнан шу ҳолат уларни кўпроқ ташвишга солмоқда. Чунки шу йўл билан чайкалар антибиотикларга чидамлиликнинг хавфли шаклига эга экани расман тасдиқланди. Шунга қарамай, қушлар хавфли касалликларни тарқатмайди, деган қатъий фикрини хеч бир мутахассис билдирганича йўқ. Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида изланишлар давом этирилмоқда.



АХБОРОТНИ САҚЛАШ УЧУН НАНОМАТЕРИАЛ

«Нейчэ кемистри» илмий нашрида ёруғлик таъсирида ўз физик хоссаларини ўзгартирувчи нанохажмидаги материал ишлаб чиқилгани эълон қилинди. У асосда ҳозирда мавжуд энг замонавий ахборот сигими катта оптик ускуналар, аникроги, блу-рэй дисклардан ҳам 500 баробарга кўп маълумот сақловчи курилмани яратиш имкони яратилиши маълум қилинди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, гарчи ахборотни сақлаш ускуналари саноати сўнгти ўйнилликларда жуда тез суръатлар билан такомиллаштаётган бўлса-да, бу ҳолат олимларни янгидан янги иктиро ва илмий янгиликларни яратишдан тўхтаттанича йўқ.

Айни кунда магнит ёки оптик усул билан маълумотларни ёзб олиш имконияти мавжудлигини кўпчилигимиз биламиз. Аксарият ҳолларда флаш хотира ускуналари маълумотни саклаб олишда кўл келади. Лекин гоҳида флаш-ускуналар ахборотни ёзб олиш ва саклаш жараёнини тез ҳамда ишончли амалга оширишга халал берувчи камчиликларга эга.

Шу боис мутахассислар ташки таъсирилар натижасида ўз хоссаларини ўзгартирувчи материални яратиш бу йўналишда кўплаб ютуқларга эга бўлиш имкониятини беради, деган фикри ўтага ташлашганди. Ташки таъсири деганда эса босим ва ҳарорат назарда тутилган, лекин уларни микроэлектрон ускуналарда назорат қилиш мушкул ва-зифа, шунинг учун ёруғлик остида ўз хусусиятларни ўзгартира оладиган материални яратиш энг истиқболли сайд-харакат сифатида таърифланган.

Юқоридагилар инобатга олган ҳолда изланиш олиб борган Токио университети олимлари шу кунлари биринчилардан бўлиб лазер нури остида ўз ўтказувчаник хусусиятларини ўзгартирадиган материални намойиш қилинди. Ишланма муаллифлари таҳриба пайтида титан оксидининг нанокристаллари ультрабинафша нурлари таъсирида электр токининг металл ўтказувчаникдан яримўтказгич ҳолатига ўтишини амалда кўрсатиб беришган. Ультра-бинафша нурларининг қисқа тўлқинли таъсири натижасида эса янги турдаги модда яримўтказгичлик ҳолатидан асл шаклига қайтиши ҳам кузатилиди. Олимларнинг таъкидлашча, ўтказувчаник ҳолатининг мазкур усули физик олимлар томонидан энг кулий экани аллакачон ётироф этилган.

— Мазкур материалдан фойдаланилганда ўз мухим жиҳати шуки, нанотаркига эга ушбу восита зич ва пишик ҳолда ахборотларни ўзоқ муддатта сифатли сақлаш имконини беради, — дейди Япониядаги замонавий ишлаб чиқариш саноати ва технологиялари Миллий институти илмий ходими Александр Колобов.

Н.ИБРОХИМОВА тайёрлади.

ми марказининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасидан олишлари (Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-үй). Телефон: (+998 71) 246-14-87, 246-27-11. Факс: (+998 71) 246-14-91) мумкин.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг куйида келтирилган маҳсус ҳисоб рақамига 200 000 (икки юз минг) сўм микдоридаги кайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Танлов ҳужжатлари олиниди: 2010 йил 2 июндаги эълон берилган танловда иштирок этган талаборлар бундан мустасно.

**Махсус ҳисоб рақами №:20203000903761981001,
АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Мехнат филиали,
МФО: 00423, ИИН: 202515618, ОКОНХ: 92120**

Барча танлов ҳужжатлари асосида талаб этилган ҳужжатлар 2010 йил 12 июль соат 12:00га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов тақлифлари 2010 йил 12 июль соат 15:00да юқорида келтирилган манзилда қатнашчилар вакиллари иштироқида очилади. Кечикиб топширилган тақлифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази қатнашчиларга томонидан танлов тақлифини тайёрлаш билан боғлик бўлган ҳаражатларга жавобгар эмас.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

Z

Ziqna birga unamay, dujavaga tushadi.
Dujava degani ikki baravar, ikki hissa degan ma'noni beradi: "Mumsikning xarji ikki baravar"; "Eringan ikki sochar". Mazkur maqollar bilan xalqimiz, ziqna, xasis odam arzon, kamxarj, buyum-u narsaga uchib, chuv tushadi. Keyin ikki-uch hissa ortiq sarflab, baqosi bo'limgan arzonni qimmatlashtiradi, deyapti.

Maqolda o'git, achinish, to'g'ri yo'iga da'vat, xayrxohilik ohanglari mavjud.

Zorimiz bor, zo'rimiz yo'q. Birovdan biror nima so'ralsa-yu, u bo'la turib bermasa, sherikchilikda biror ish qilinmoqchi bo'lganda, ikkinchi tomon unamasra, yaqin odaming boshingga mushkul ish tushib turganda ko'makka kelmasa, shu maqol ishlatalidi. "So'rab, iltimos qilib qolamiz-u, zo'rlik yoki zo'ravonlik qilmaymiz, nailoj, boshga tushganni ko'z ko'radi", deya o'z-o'zimizni yupatgan bo'lamiz.

Maqolda o'kinch, afsus, ichki norozilik, muayyan ma'noda domongirlig hissi bor. O'zbek milliy xarakteri, psixologiyasini ifodalovchi e'tirof.

I

Ignadek teshikdan tuyadek sovuq kiradi.
Bu maqolni to'g'ridan-to'g'ri shu ma'noda ham, ham majozan: "Ozgina, kichkina kamchilik, xavf-xatarga nisbatan bepisand bo'lsa, uning ketidan katta ziyon-zahmat yetib kelishi mumkin" degan ma'noda ham qo'llaydilar. "Yolg'iz baloga indamasang, ko'payadi" maqoli bilan har qanday xavf-xatarga jiddiy e'tiborli bo'lish, darhol unga qarshi choralar ko'rib, oldini olishga chaqiradilar.

Ignal bilan bitadigan ishga juvoldiz tiqma.
Bu yuqorida maqolga qarama-qarshi ma'noda noo'rin, bevaqt va hima qilmaslik, vasvasaga berilmaslik, aql bilan ish ko'rishga chaqiriq, da'vatga asoslanadi. Ushbu maqol bilan yoshi ulug'lar, o'z tajribalaridan khati chiqib, yengil bitadigan ishga katta-kichikni aralashtrir, ularni ovora qilmaslikka chaqiradilar. Haqiqatan ham igna yo'rg'alaydigan joyda juvoldiz noo'r in bo'lib, "mato"ni zada qiladi. Nazokat, nafosat, farosat, tab' va did nozikligiga qurilgan.

Ikki quyonni quvgan birini ham tutolmas.
Bu maqolni majozan: "Birdaniga katta foyda ko'rish niyatida biryo'la ikki ishning boshini tutma. Bunday qilsang, ikkalasining ham uddasidan chiqolmaysan" degan ma'noda qo'llaydilar. "Ikki kemaning boshini tutgan g'arq bo'ladi" maqoli ham borki, buni yuqorida aytilan ma'noda ham, "sotqin, ikkiyuzlamachi odam o'z manfaati yo'lida bir-biriga raqib bo'lgan ikki tomoniga ham maxfiy ravishda xizmat qilsa, tez orada bu sir oshkor bo'ladi; bu xiyonatning misi chiqadi, halokatga uchraydi" degan ma'noda qo'llaydilar.

Insof sari baraka. Xalqimiz insof-diyonat, halollikni eng yaxshi insoniy fazilatlar sifatida bir umr qadrlab kelgan. Shu sabab umrning barakasi ham, insonning hayotdan ko'radigan moddiy manfaati ham, avalo, insofdandir, deb hisoblaydi. "Insof yo'qning imoni yo'q" degan maqol ham muqobil sifatida uni qo'llab-quvvatlaydi. Imon, ishonch, ko'ngilda qat'iy diyonat bilan kasb-hunar, tadbirkorlik, ishbilarmonlik ishini olib borish jamiyatga qutbaraka kiritadi. Aksi — olchoqlik, ko'zbo'yamachilik, o'zimbo'laychilik, xiyonat, besh qo'lni og'izga tiqish, avvalo, imonni yemiradi, insonni yo'ldan ozdiradi, la'natga, el qarg'ishiga uchratadi.

O'tmishda ajdodlarimiz imonni yashnab turgan mevali daraxtga o'xshatishgan. Bu "Imon daraxti"da besh katta shox mavjud: insof, hayo, adolat, shafqat, marhamat. Kishida mana shu fazilatlarining loaqla bittasi bo'lsa ham uning imoni bo'ladi. Birortasi ham bo'limasa, bu uning imonsizligidan dolalat, deb hisoblashgan. "Insofli odam oshini yer, insofsiz odam boshini yer" degan maqol ham borki, bunda insofililikning yaxshi sarnara berishi, insofsizlikning esa oqibati yomon bo'lishi uqtiriladi.

Ushbu maqol ish odami, umuman, hayot uchun shior vazifasini o'tashi mumkin.

Mahmud SATTOR
(Davomi bor.)

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

2010—2011 ўкув иилида куйидаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаликка қабул эълон қилади:

БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

T/p	Йўналишлар номи
1.	Касб таълими: а) Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси б) Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси в) Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси
2.	Дизайн (турлари бўйича)
3.	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
4.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
5.	Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)
6.	Автоматлаштириш ва бошқарув (тармоқлар бўйича)
7.	Тўқимачилик, енгил ва қофоз саноати буюмлари кимёвий технологияси
8.	Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси
9.	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
10.	Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси
11.	Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси
12.	Корхоналар сервиси (корхоналар турлари бўйича)

Ўқишига киришни хоҳловчилар куйидаги хужжатларни топширишлари керак:

- ректор номига таълим йўналиши ва ўкув тили кўрсатилган ариза;
- ўрта ёки ўрта маҳсус маълумот ҳақидаги хужжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмдаги бта фотосурат;
- 086/U шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги хужжат шахсан кўрсатилади.

**Хужжатлар 2010 йил 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам)
соат 18°га қадар қабул қилинади. Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.**

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

T/p	Мутахассисликлар номи
1.	Либослар дизайнни
2.	Машина ва механизмлар назарияси
3.	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари
4.	Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари
5.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариши автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
6.	Технологик машиналарни кимёвий пардозлаш технологияси
7.	Технологик машиналар ва жиҳозларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш (тармоқлар бўйича)
8.	Тўқимачилик саноати жараёнларини автоматлаштириш
9.	Матбаа ишлаб чиқариши технологияси ва жиҳозлари
10.	Ракамли ва маҳсус босма технологиялари
11.	Йигирув технологияси
12.	Тўкувчилик технологияси
13.	Трикотаж технологияси
14.	Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси
15.	Тўқимачилик саноати маҳсулотларини бадиий лойиҳалаш (диссинаторлар)
16.	Тўқимачилик материалшунослиги ва сифат назорати
17.	Пахтани дастлабки ишлаш технологияси
18.	Тикув маҳсулотлари технологияси
19.	Чарм буюмлари технологияси
20.	Тикув буюмларини конструкциялаш
21.	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
22.	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)
23.	Касб таълими (мутахассисликлар бўйича)

Ўқишига киришни хоҳловчилар куйидаги хужжатларни топширишлари керак:

- ректор номига таълим мутахассислиги ва ўкув тили кўрсатилган ариза;
- бакалавр дипломининг асл нусхаси (дипломдан қабул қилинган шаклдаги кўчирма);
- 3x4 см. ҳажмдаги бта фотосурат;
- 086/U шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги хужжат шахсан кўрсатилади.

Хужжатлар 2010 йил 1 июндан 31 июлгача (шу куни ҳам) соат 18°га қадар қабул қилинади.



**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Шохжаҳон кӯчаси, 5-йи. Телефон: (+99871) 253-36-66.**

ҲАЛОЛЛИК ТАРГИБОТИ

Полвон танти бўлади ва тантлилкни тарғиб килади. Бу — ўзбек кураши асоси.

Бугун ўзбекнинг бу тантлилгини бутун дунёга ёйишда миллий курашимизнинг хиссаси улкан бўлаётгани сир эмас. Кураш ҳалқаро ассоциацияси (КХА)га бугунги кунда 120 дан ортиқ давлат бирлашганини инобатга олсан, ушбу ўлмас қадриятимиз орқали ҳалоллик, одамийлик тарғиботи сайёрамизнинг барча миңтақаларида кенг миқёсда олиб борилаётганини англаш мумкин.

18—22 июнь кунлари Буюк Британиянинг Кент шаҳрида ўтказилган кураш бўйича Ислом Каримов ҳалқаро турнирида дунёнинг ўндан зиёд давлатидан юзга яқин полвон голиблик учун бел олишдилар.

Саккизинчи марта ташкиллаштирилган баҳсларда мамлакатимиз ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда фахрий полвонлари ҳам муносаби иштирок этдилар. Ўсмирларимиздан Муҳаммадали Норов, Суннатилла Истроилов олтин, Махсум Ражабов, Равшан Жўраев, Шохжон Исмоилов, Мирҳотам Аюпов кумуш медалйи билан тақдирланиши. Каталар беллашувида эса Ҳасан Юсупов, Фурқат Маматов, Олим Равшанов, Шерали Жўраев, Эрназар Холмирзаев ўз вазн тоифалида олтин, Ўқтам Эргашев кумуш медални кўлга киритиши.

ди. Қизлар баҳсларида Муқаддас Кубеева, Ўгилой Нуралиева, Севара Дехқонова олтин, Шоҳида Назарова кумуш медалга сазовор бўлди. Фахрий полвонларимиздан Мамадали Норов 1-ўринни эгаллади.

— 1977 йилда Қамши туманидаги Чимкишлогоғида туғилганман. Аввал тўй-байрамларда олишиб юрадим. Кейинроқ устозим Баҳтиёр Тўраев мураббийлигига шуғуллана бошладим, — дейди Ислом Каримов ҳалқаро турнирида +90 кг. вазн тоифасида 7 нафар ракибининг курагани ерга теккизиб, кўксига олтин медални тақсан юртошимиз Эрназар Холмирзаев. — 1993 йилда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлганимдан сўнг, имтиёзли равишда ҳозир ўзим ишлаётганинг институтга ўқишига қабул қилинганман. Ўшандан

буён Ангрен шаҳрида яшайман. «Баркамол авлод ийли» биз учун муваффақиятли ўтмоқда.

Сабаби — апрель ойида шогирдларимдан бирни Нурали Абдуллаев миллий кураш бўйича Ўзбекистон кубогини кўлга киритган эди. Андижонда ўтказилган «Универсиада — 2010» мусобақаларида эса яна бир шогирдим Асрор Худойкулов дзюдо бўйича ўз вазн тоифасида 3-ўринни эгаллади.

— 2009 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган ат-Термизий ҳалқаро хотира турнирида қатнашган шотландиялик полвон ярим финалда Эрназар Холмирзаевга қарши гиламга тушди, — дейди Ислом Каримов ҳалқаро турнирида 30 кг. вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлган Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 6-синф ўқувчisi Равшан

Kurash

Жўраев. — Жамоадошимиздан енгилган бу полвон Эрназар ака шоҳспага кўтарилиган паллада уни кутлагани чиқди. Шу маҳалда юртошимиз ташкилотчilar томонидан елкасига ёпилган зарбоф тўнни шотландиялик полвонга тақдим этганида барча томошабинлар устознинг валломатлигини узоқ вақт олқишилашди. Бу воқеа менга катта таъсир қилди.

1996 йили Монголияда ёшлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган Осиё чемпионати ҳамда Қозогистонда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, бир неча ҳалқаро турнир голиби, Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди Э.Холмирзаевга куни кечга Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан доцент илмий унвони тақдим этилди. Докторлик диссертациясини бошлаб юборган мураббий ва олимнинг келгуси фаолиятига зафарлар тилаймиз.

Шерали НИШОНОВ



27-iyun — Matbuot va ommatiy axborot vositalari xodimlari kuni

Эртага мамлакатимиз бўйлаб Матбуот ва ОАВ ходимларининг байрами нишонланади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги спорт мажмуасида юртимизнинг кўзга кўринган оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида футбол, стол тенниси ва сузиш борасида спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан анаъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мана шундай ажойиб спорт тадбирлари баҳонасида қалам ахлининг ўзаро ахиллиги, дўстлиги мустаҳкамланиши билан бирга, ижодий фаоллиги ортишига шубҳа йўқ.

Иккى кун давом этган журналистларнинг ўзига хос спорт байрами якунидаги голиб ва совриндорларга ХТВ томонидан ажратилган совга ҳамда дипломлар топширилди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

САМИМИЙ ОЛҚИШ РАФБАТИ

Лондонда бўлиб ўтётган «Катта дубулға» туркумига кирувчи тўрт нуфузли мусобақадан бири — «Уимблдон» турнири ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда.

Жаҳоннинг энг кучли ракеткачилари иштирок этётган ушбу мусобақада юртимиз шарафини химоя қилаётган теннисчи Денис Истомин кўрсатган юксак матчлар барчанинг диккат-эътибори ва олқишига сазовор бўлмоқда. У жаҳон теннис рейтингидаги энг юкори ўринларни эгаллаган машҳур теннисчиларни ҳам маглубиятга уратмоқда.

Дастлабки учрашувда швейцариялик Станислав Вавринкани 6:7, 6:1, 2:6, 7:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга уратган бўлса, иккинчи босқичда германиялик Райннер Шуттлер билан кортга чиқди.

Эслатиб ўтамиз, Уимблдон турнири қолган



Uimblodon-2010

нуфузли турнирлардан фарқли ўлароқ беш сет давом этади. Оғир ва кескин баҳсларга бой ўтган мазкур учрашувда юртимиз Райннер устидан 6:3, 7:6, 4:6, 4:6, 6:1 ҳисобида устун келди.

Эндиликда Денис бош соврин учун асосий дъавогарлардан бири саналган чехиялик теннисчи Томаш Бердихга қарши кортга тушади.

Шаҳина ЖЎРАЕВА

**Муҳтарам
Ортиқ МИРЗАҲАМДАМОВ!**

Сиз кўп йиллардан бўён жамоамизда моҳир мураббий бўлиб, ўқувчи ва устозлар меҳрини қозониб келяпсиз. Сиздаги инсоний фазилатлар барчага ўрнак бўлмоқда. Кутлуг ёшингиз муборак бўлсин. Умрингизнинг ҳар бир кун кувончу щоддилларга туши, тан-жонингиз соғ бўлсин.

Хурмат билан, Тошкент туризм касбхунар коллеги жамоаси, дўстларингиз ва шогирдларингиз

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб бошланғич синфларда рус гурухига дарс берувчи (рус ёки корейс миллатига мансуб) олий маълумотли ўқитувчини ишга таклиф этади.

Бизнинг манзил: Юнусобод тумани, Чинобод, 216.
Телефонлар: 424-38-21, 223-01-05.

Зоҳиджон ХОЛОВ

АМАЛДАГИ ЧЕМПИОН — ЭНДИ ТОМОШАБИН

бугун нимчорак финал учрашувлари старт олади

Жанубий Африка Республикасида ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати гурух баҳслари поёнига етди. Спорт тили билан айтганда, плей-офф жанглари том маънода ўзининг энг кизгин палласига кирди. Энди бўёғига ҳеч бир хато кечирилмайди, ютқазган жамоа ўз уйига равона бўлади. Шундай экан, курашлар шиддати, ички ва ташкини босим гурухдаги ҳолатга нисбатан иккя карра ортиқ бўлишига шубҳа йўқ.

Кўпчилик футбол ихлосмандлари майдонни тарк этган жамоалар билан эмас, балки курашни давом эттираётган футболчиларнинг галдаги юришлари ҳақида сұхбатлашишни хуш кўришади. Бу — табиий, албатта, чунки воқелар ривожи бевосита голиб жамоаларнинг ўйинларига болгик. Бироқ 2006 йили кечган жаҳон чемпионатининг иккя финалчиси — Италия ҳамда Франциянинг гурухдан ҳам чиқолмай, афгор ҳолатда қолиб кетишини мундиал олдидан энг буюк баҳшратчилар ҳам аниқ айтиб беришолмасди. Вакт эса доимигидек дошишмандликда яна бир карра ўткар бўлди.

“F” гурухининг энг сўнгги турида Словакия футбольчиларига қарши “ринг”га чиқкан “скуадра адзурра” матч ниҳоясига кўра, бутунлай “но-каут”га (3:2) учратилди. Статистикага мурожаат қиласиган бўлсақ, сўнгги қирқ йилликда Италия футбол жамоаси ҳали бирор маротаба бир ўйин мобайнида ўз дарvosasidan 3ta gol olib chikmaётgan экан.. Иккя ўйинда бир амалдагуранга имзо чеккан M.Липпи шогирдлари ҳал қилувчи беллашувда “отдан” тушди. Ваҳоланки, миллионлаб ишқибозлар италияликларнинг бу сафар ҳам қийналиб бўлса-да, гурухдан чиқиши ва қолган миллий терма жамоаларга ётарлича ташвиш түғдиришига



ишинишаётганди. Аммо амалда бутхминлар олиши: Япония ҳамда Жанубий Корея. Уларнинг нимчорак финалдаги рақиблари ҳам аниқ. Буни қарангки, кунчикар юрт вакиллари Парагвайга қарши майдонга тушса, жанубий кореяликлар Уругвай билан баҳслашади.

Энг ахабланарлиси, тақдирнинг навбатдаги ҳазилини мутахассислар мухлислар “Финал” дея таърифлайотган «Еврордерби» — Германия ва Англия қарама-каршилиги нимчорак финал баҳсларини ҳар жиҳатдан безайди.

Нимчорак финал мухрабаларининг қолганлари куйидагина кўриниш олди: АҚШ — Гана, Голландия — Словакия (кеча қолган иккя нимчорак финал қатнашчилари ҳам аниқланди).

Хулоса килиб айтганда, гурух баҳсларидан “соппа-соғ” ўтган миллий терма жамоалар мундиални бутунлай бошқача руҳда давом эттиришади. Бу ўз навбатида, жаҳон чемпионатининг жозибасини, қизиқарлилигини янада оширади.

Зоҳиджон ХОЛОВ



Аскар Ёкубов (УзА) олган суратлар

СЕВИМЛИ МАСКАНАДА МАЗМУНЛАЙ ҲОРДИК

Оромгоҳлар — болаларнинг севимли маскани. Unda ёзги таътил давомида мазмунли ҳордик чиқарish билан бирга китобхонлик, санъат кечалари, турли танловлар ўтказилиб, ўзлаштирилган билимлар мустаҳкамланмоқда.

Мирзо Улугбек туманинг 222-мактаб қошида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳида 150 нафарга яқин ўқувчи ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда.

— Ушбу соғломлаштириш оромгоҳида 11 йўналиш бўйича, жумладан, 7ta фан ва 4ta спорт тўғраклари фаолияти йўлга кўйилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Н. Нишонова. — Бу тўғракларга қатнаётган ўғил-қизлар ҳам жисмонан, ҳам маънан ўз имкониятларини оширишадар. Оромгоҳ ташкил этилган илк кунларданоқ турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, унда болаларнинг фаол иштирок этиши таъминланди. Жумладан, “Ез — ўтмоқда соз!” тадбирида

мавсум давомида болажонларнинг мазмунли дам олиши учун яратилган шароитлар муҳокама қилиниб, ишлар режалаштирилди.

Ана шундай тадбирдан яна бири туман Халқ таълими бўимили ва Маънавият таригот маркази билан ҳамкорликда “Огоҳлик — давр талаби” мавзусида бўлиб ўтди. Unda иштирок этган XTB вакиллари, туман Маънавият таригот маркази ходимлари ва шу худуддаги маҳаллаларнинг диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилири ўғил-қизларнинг ёз мавсумидаги бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, бунинг учун эса оромгоҳлarda етарли шароитларнинг яратилганини, шунингдек, ёшларни оғоҳ бўлишга чорлаб туриш, илму хунар ўрганишига имконият яратиб бериш масалалари хусусида фикр билдирилар.

Тадбир якунида тўғрак аъзолари томонидан тайёрланган мусиқий дастур ва расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

Юлдуз ҲАЙТОВА,
ЎзМУ талабаси

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lilm vazirligi, O'zbekiston Ta'lum va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-522.
Tiraj: 40189.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida boshigan, qog'oz bichimi A-3.

Naybatchi muharrir:
Mahmuda VALIYEVA,
Navbatchi:
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar mualifiga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari berilladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta ya maktabgacha ta'lum yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, olty va o'rta maxsus, kasab-hunar ta'lumi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmlari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan fashqari ta'lum yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvida
erkin narxda

Dizaynerlar
Lillya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqt — 21.00.
Topshirildi — 21.45
ЎзА якум — 21.30